



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САҢЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 6-iyul №28 (4478)

ЎРИКЛИСОЙ ҲАЙРАТЛАРИ

Куни кеча мамлакатимизда биринчи марта нишонланган қутлуғ айём — Ёшлар куни тантаналари шуқуҳи ҳали дилларни тарқ этмай туриб, байрам байрамга уланди — Зоминда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан анъанавий ёш ижодкорлар семинари иш бошлади. Тадбирнинг очилиш маросимида Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Содиқовлар иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоирлари — Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоир ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбай Каримовлар сўзга чиқдилар. Қўтаринки руҳда иш бошлаган анжуман ёшлар мушоирасига улашиб кетди.

Шикоят ва рағбат

Бундан салкам чорак аср аввал Жиззах вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан асос солинган ва бугун барча орзу умидли ёшлар интиқиб кутаётган Зомин тоғларининг Ўриклисой боғларида ўтказиладиган ёш ижодкорлар семинари адабиётимизнинг катта байрамга айланди. Очигини айтиш керак, ёш қаламкашлар учун бу семинарга қадар босиб ўтилган йўл машаққатли, айни пайтда қувончли ва сермазмун бўлди. Республикаимизнинг олти вилоятида ўтказилган ҳудудий босқичларда иштирок этган икки юз нафардан зиёд ёшлар орасидан ҳар бир вилоятдан беш нафар ижодкорнинг назм, наср, бадий публицистика, бадий таржима, болалар адабиёти, адабий танқид, драматургия йўналишларидаги машқлари устозлар томонидан саралаб олинди. Кузатилишича, йилдан йилга китобхонлик маданияти, адабиёт, ижодкорларга эътибор кучаяётгани, ёш қаламкашлар сони ортиб бораётгани натижасида семинарда қатнашиш истагини билдирганларнинг машқлари талаб ҳам ортиб бормоқда ва бу давомли жараён-дир. Келгусида Андижон, Жиззах, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида ташкил этилган устозлар Ёбрат, Хамид Олимжон ва

Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуф номидаги Ижод мактабларида таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчиларнинг улғайиб ижодий танловларда фаол қатнашувларига ишончимиз қомил. Китобсевар юртимизда ижод соҳасида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, тўғри йўлга бошлашда шаклланди тизим уларга нафақат шароит яратди, имконият беради, балки рағбатлантиради ҳам.

Зомин анжуманида муваффақиятли иштирок этиб, машқлари таниқли устозлар томонидан эътироф этилган ёшларнинг ижодий изланишларида том маънода янги давр бошланади: шеърлари матбуотда эълон қилинади, илк китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод" фонди ҳисобидан қўпмнинг нусхада чоп этилиб, таълим муассасаларига тарқатилади. Бир сўз билан айтганда, улар ижодкор сифатида адабий жамоатчилик назарига туша бошлайди. Ҳозиргача семинарда қатнашиб, голиб бўлган етмиш нафардан зиёд ёш ижодкорнинг илк асарлари "Биринчи китобим" лойиҳасида нашр қилинди. Шунингдек, семинарда иштирок этган олти нафар ёшнинг шеърлари "Биз истиқлол фарзандларимиз", ўн беш нафар ёш таржимоннинг ўндан ортиқ хорижий тиллардан бевосита ўзбек тилига ўнгирган таржима асарлари "Баҳор бўлбуллари чўқ-чақи" деб номланган ёшлар баёзларида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

► 4



► Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг тақлифига биноан 2018 йил 5-6 июль кунлари Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этади.

► Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 июнь куни Тошкент шаҳар Олмазор туманида бўлди.

► Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

► 29 июнь куни матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мард ўлон" давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида", шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди.

► Шу куни "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

► 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон ёшларига байрам табриғи" йўллади.

► 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан жойларда турли байрам тадбирлари ташкил этилиб, маданий-маърифий учрашувлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган мусобақалар, югуриш марафони, жумладан, ёш оилалар ўртасида эстафета беллашувлари, викториналар, оммавий сайил ва концерт дастурлари бўлиб ўтди. Ёшлар куни муносабати билан жойларда "Ёшлар уйлари" ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

► Самарқандда биринчи маротаба ўтказилган Марказий Осиё ёшлари форуми минтақада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш, ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, фан ва таълимни ривожлантириш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, туризмга кенг йўл очиш, терроризмга олиб келувчи тажовузор экстремизм ва радикализмга қарши курашиш масалаларида мақсадлар муштараклигини намойён этди.

► 3 июль куни матбуотда "Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2018 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида", шунингдек, "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари эълон қилинди.

► Шу куни "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда "Тошкент шаҳрида Пучон университети ташкил этиш тўғрисида" Президент қарори эълон қилинди.

► 3 июль куни "Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2018 йил 9 март) ратификация қилиш ҳақида", шунингдек, "Медиацция тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

Кутубхона оған қиз

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон ёшларига байрам табриғи"да "Улкан бунёдкорлик жараёнлари ёшларимиз илгари сураётган лойиҳа ва ташаббусларни юзага чиқаришда, уларнинг эл-юртимизга фидойи раҳбар ва мутахассис, ҳақиқий шахс ва граждон бўлиб шаклланишида бекиёс ўрин тутди", деб таъкидлади. Дарҳақиқат, илм ва ижодда, тадбиркорлик ва спорт соҳаларида иқтидорини намойён этаётган ёшларнинг ютуқлари барчани мамнун этаётир.

Ёшлар байрами арафасида Ховос шаҳридаги 44-мактаб боғ-ҳиёбони туман ёшларининг китобхонлиқ, санъат ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар бўйича беллашувлари майдонига айланди. Тадбирга туман кишлоқлари ва маҳаллаларининг ташаббускор ёшлари тўпланиб, эришаётган ютуқларини намойиш этишди. Ижтимоий лойи-

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

халарда фаол иштирок этаётганлар махсус мукофотлар билан тақдирланди. Улар орасида, 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Лайло Усмоналиева бошлаган ташаббус эътибор қозонди.

Лайлонинг отаси Янгиердаги асфальт-бетон заводида ишлайди. У отасининг астойдил кўмаги ва Ёшлар иттифоқи туман бўлими, шунингдек, "Тўқинчилик" МФЙ қўллаб-қувватлаши туфайли ёшларни китобхонликка жалб этиш бўйича лойиҳасини амалга оширишга муваффақ бўлди. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни собиқ хусусий дўкон ўрнида кишлоқ ёшлари учун кутубхона очилди. Мактаб муаллимлари, ўқувчилар ҳамда ташаббусга қўшилган фаол маҳалладошлар зиё масканини турли бадий ва илмий адабиётлар билан тўлдиришди.

Бу янгилик бутун туманда акс-садо берди. Тадбирда қатнашган ижодкорлар Лайлодан кутубхона иш тартиби ҳақида сўрашди. Мутолаага қизиқувчилар китобларни шу жойда ўқишдан ташқари уйларида ҳам олиб кетишлари мумкин. Бунинг учун махсус дастфар очилган. Бир ҳафта ўқиш учун олинган китобга минг сўм ҳақ тўланади. Йиғилган пуллардан янги китоблар харид қилиш, кутубхона фондиди бойитиш учун фойдаланилади. Қаранг, қандай яхши ташаббус: минг сўмга нари борса битта музқаймоқ олиб ейиш мумкин. Бироқ шу пулга кутубхонадан олинган китоб эса, тафаккурни чарқлаб, маънавиятни юксалтиришга хизмат қилади. Лайлонинг ташаббуси бошқа шаҳар ва кишлоқларимизда ҳам кенг кулоч ёзади, деб умид қиламиз.

► 2

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

УСТУЖУҚОЛЧ НУРАУШОН ШАҲАР "ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН" китобидан саҳифалар

Дарёдаги тўлқинлар бир-бирини етаклаб, олис манзиллар сари ягона, қудратли оқим бўлиб интилгани каби, бадий ижодда шеърят, публицистика жанрлари доимо ёнма-ён, муштарак ривожланади. Ижодкорнинг қалб овози ҳар икки жанрда ҳам баралла янграб турса, бу унинг халқи, Ватани, буюк ҳақиқат ва адолат йўлида бир зум ҳаловат билмаётганидан далолат. Ўзининг ижодий фаолиятида доимо ана шундай тамойилларга амал қилиб келаётган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир "Янгилаётган Ўзбекистон" номи янги публицистик тўпламини нашрга тайёрлади. Янги тўплам шартли равишда уч бўлимга ажратилган. Дастлаб сиз Бобур ҳазратларининг тушларига нур берган, қалбига ишонч солан жаннатмонанд воҳа — Тошкент вилоятининг тавсифи, тарихи, бугуни, истиқболлини яратаётган заҳматкаш, бунёдкор инсонлари, замондошларимиз ҳақидаги ҳали матбуотда эълон қилинмаган публицистик мақолалар билан танишасиз. Кейин "Қўз юсман кўзимда Ватан кўринди" бўлимида янгилаётган Ўзбекистон, унинг раҳнаомлари, истиқлолчиликнинг фидойи фарзандлари, муаллифнинг шахсий кечинмалари борасидаги фикр-мулоҳазалар билан ва низоҳат "Бир келинг, бир келинг Ўзбекистонга" бўлимида эса Она Ватанимиз мадҳидаги янги шеърлар эътиборингизга ҳавола этилади. Ушбу гўзал публицистик тортиқдан эътиборингизга ҳавола этилаётган парча сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

► 2

"МЕН ЎЗ ҚАҲРАМОНИМНИ ТОПДИМ"

Таниқли адиб Пуқмон БҮРИХОН билан муҳоба



— Жамият ҳаётида зиёлиларнинг, айниқса, ижод аҳлининг ўрни бекиёсдир. Улар ўз даврига бефарқ бўлмайди, айнан жўшқин ҳаёт кучида яшаб, замондошларини эзгу мақсадлар сари илҳомлантириш орқали маънавий баркамолликка ҳисса қўшади. Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк адибларимиз Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Хамид Олимжон, Фафур Гулом етук асарлари-

Адиб ва жамият

ни бунёдкор халқимиз орасида яшаб яратилган. Бунга мисоллар кўп. Бугун, мамлакатимиз мустақиллигининг янги — юксалиш даврида ҳам ижодкорлар учун, айтиш жоизки, янги ижодий парвозлар

майдони очилди. Айниқса, турли соҳаларда фидокорона хизмат қилаётган замондошларимизнинг қиёфасини яратиш, элу юрт фаровонлигини юксалтиришда ҳормай-толмай хизмат қилаётган фермерлар, қурувчилар, новатор ёшлар, саноат қорхоналарини янги технологиялар асосида бошқараётган, бир сўз билан айтганда, ҳеч қандай кам бўлмаган халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини йирик бадий асарларда тасвирлаш ҳар бир ёзувчи ва шоирга катта масъулият юклайди. Очигини айтганда, бу борада ижодкорларимиз ҳозирча публицистик асарлар яратиш билан чегараланиб қолишяпти. Айтингчи, йирик жанрларда бадий асарлар яратиш даври келмадими?

► 3

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ватан тўғрисида ёзиш, фикр юритиш осон эмас. Ватан ҳақида сўз айтмоқ, адолат, вафо ва садоқатнинг амалдаги намоёнига дуч келиш, умр хирмонидаги ҳосилни сарҳисоб қилиш каби беҳад ҳаяжонли ва масъулиятли ҳолат аслида. Нимасини айтасиз, чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, Она ҳақида, Ватан мадҳида барча гўзал сўзлар айтилгандек. Муҳаббат қадимий туйғу, лекин ҳар бир юрак уни ўз ҳиссиётлари билан янгилайди, деганларидек, бу дунёда қадрдон диёр ҳақида ҳар кимнинг ўз дил изхори, бошқаларникига ўхшамайдиган меҳри, дари ва сўзи бор.

Айни вақтда қалбимиз тўрида у билан боғлиқ бетакрор хотиралар, ҳиссиётлар бор. Инсонлар, тақдирлар бир-бирига ўхшамагани каби, Ватан ҳақидаги ўй-кечинмаларимиз ҳам алоҳида ҳусусиятлари билан ажралиб туради, бир-бирига ўхшамайди.

Ватан, она юртга муҳаббат нимадан бошланади? Агар дунёда ота-она, туғилган юрт, мунис болалигимиз кечган хонадон, биз еру қўни чангитиб ўйнаган кўчалар, ёз чилласида қўмилган анҳорлар, от чоптирган қир-адирлар, талабалик йилларимиз завқи ва масъулияти билан тўлиқ ўйусиз кечалар, мусавфо осмон, суюкли фарзандларимиз, жажжи набираларимиз, сеvimли ёримиз, қўйингчи, умр деб аталмиш ҳаёт йўлимиздаги неъматларнинг барча-барчаси бўлмаса эди, ўзингиз айтинг, бирорта мактаб, дорилфунун ёки академия қалбимизда Ватан туйғусини тарбиялай олармиди? Йўқ, албатта. Бинобарин, Ватан – бу бизнинг бутун ҳаётимиз, умримиз, фаолиятимиз сарҳисоби. Шунинг учун Ватан деганда, кўнглимиз тубидан қутилмаган қайноқ ва сеҳрли туйғулар, мунаввар сўзлар отилиб чиқа бошлайди. Ватан ҳақида ёзганимизда оппоқ қорғоз узра сўз эмас, бамисоли нур ёйилгандек бўлади.

Хулласи калом, мақсад-муддаога ўтадиган бўлсак, мен туғилиб вояга етган, бир умр бебаҳо неъматларидан баҳраманд бўлиб келаётган Тошкент вилояти, бу қадимий ва гўзал воҳа, унинг Паркент деб аталмиш, Чотқол тоғ тизмаларининг шимоли-шарқ қисмида жойлашган мафтункор гўша мен учун муқаддас бешик бўлиб, туз-насиба бериб вояга етказган, қайғули кўнларимда бошимни силаб, кўнглимга далда бўлган, қувончли кўнларимда "Баракалла, болам" дея ҳаммадан кўп хурсанд бўлган мўътабар маъводир. Ватан ичра табаррук ватан бўлган, мени камолга етказиб, элга қўшган, қўлимга қалам берган, дилимга илҳом солган бу юрт олдида, унинг мард ва меҳнатқаш, ориятли, тарихнинг не-не синов ва таъшилар, мустиқиллик даврининг саҳна одатли давларини бошидан ўтказган инсонлар олдида ҳаммаша узиб бўлмас қарздорлик ҳисси билан ашйаман.

Бугунги кунда вақт, замон суръати шу қадар шиддатли ва тигизки, ҳаётга, ўзгаришларга, одамларнинг орзу-интилишларига кечаги қараш ва мезонлар билан баҳо бериб бўлмайди. Айниқса, кейинги икки йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида улкан қадамлар билан олдинга интилмоқда. Жасорат, азму шижоат туйғули ўн йиллар давомида ечимлай келган муаммоларга ечим топиш салоҳияти нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Муҳтарам Юртбошимизнинг биз ижодкорларга кўрсатаётган эътиборларидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тошкент вилояти Паркент туманининг Чотқол тизмалари бағридаги сўлим гўшаси Заркент кишлоғида 50 ўринли дам олиш маскани, ижод уйи қурилиши бошлаб юборилгани ана шу ғам-хўрликларнинг амалдаги ифодаси, албатта. Оддий халқ вакилларининг биз ижодкорларни қурилатган шу бино билан қутлаётгани кўксимизни тоғдек кўтармоқда.

Пойтахт вилояти ташкил этилганидан буён ўзининг маъмурий марказига эга эмас эди. Вилоят миқёсидаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув идоралари Тошкент шаҳри ва воҳанинг турли ҳудудларида жойлаштирилган эди. Бу эса вилоят аҳолиси учун қўплаб нуқулалар билан тўғри эди. Президентимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратди ва Тошкент вилоятининг маъмурий марказини барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида тегишли раҳбар ва идораларга қатъий топшириқ берди. Тезлик билан бу

борадаги ташкилий-амалий ишлар бошланди. Давлатимиз раҳбари вилоятнинг бўлажак маркази – замонавий шаҳарга Нурафшон деб ном қўйиб бердилар. Бу шаҳар исми жисмига мос, ҳақиқатан ҳам нурли, истиқболли, инновацион шаҳар бўлиши ҳозирнинг ўзидаёқ яққол намоён бўлмоқда.

Бу ўринда, ҳурматли газетхон, Тошкент вилоятини кўп кезган, унинг тупроғини кўзига тўтиб қилиб яшайдиган инсон, ижодкор сифатида бугунги кунда бу заминда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг қўлами ва миқёси, аҳамиятини тўлиқ тасаввур этиш учун бу қадимий воҳа тарихига қисқача мурожаат қилишни лозим деб билимқодамиз. Вилоятнинг кўп миллатли, заҳматқаш ва бунёдкор халқи, у неча асрлар давомида орзу қилган бугунги ёруғ кўнларнинг қадри, келажак шаҳри деб аталаётган Нурафшондек нурли масканнинг истиқболлини тарих кўзусида тасаввур қилиб, баҳо бериш албатта фойдадан холи бўлмайди.

«Ақлли шаҳар»


Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда мамлакатимиз парламентига тақдим этган Мурожаатномасида мамлакатимизни инновацион асосда ривожлантириш ҳақида алоҳида тўхталиб, халқимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишда бунинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини аниқ мисоллар орқали тушунтириб берган эди. Жумладан, "Ақлли шаҳар", "Хавф-

партия комитетига бўйсунар эди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги қуйидаги изох ҳам фикримизни исботлашга ёрдам беради: "Тошкент – шаҳар, Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, Тошкент вилояти маркази".

Табиийки, яна савол туғилади: Тошкент шаҳри Тошкент вилояти маркази» мақоми қачондан бошлаб бекор қилинган? Жавобни ҳам ўша қомусдан излаймиз: «Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Тошкент шаҳрида бошқа вилоят ва шаҳарларда бўлгани каби бошқарувнинг тарихий-миллий шакли – ҳокимлик ўрнатилди. 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри мақоми ва давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида ҳоким лавозими жорий қилинди. Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва озод қилинади ҳамда Халқ депутатлари, шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланади".

Навбатдаги савол шундан иборат: нега вилоят маъмурий маркази учун Тўйтепа шаҳри танланди? Бу борада бошқа тақлифлар йўқмиди? Бўлган, албатта. Жумладан, Чирчиқ ва Олмалик шаҳарлари ҳам номзод сифатида қўрилган. Аммо бу шаҳарларда вилоят маркази учун кенг миқёсда қурилиш ишлари бошланадиган бўлса, аҳоли турар жойлари, бир қанча маъму-



лари, нодавлат тузилмаларнинг бўлим ва бошқармаларида ишлайдиган раҳбарлар, ходим ва мутахассислар, уларнинг оила аъзоларини ташкил этади. Яна 3 минг киши шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатадиган коммунал хизмат, савдо, маиший хизмат, транспорт, таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий тармоқлар ташкилотлари ишчи-хизматчилари ҳисобланади.

Шаҳарда, табиийки, маъмурий бинолардан ташқари турар жойлар, маданият, истироҳат боғлари, кутубхона, стадион, очик, ёпиқ сузиш хавзалари, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, кўп тармоқли марказий шифохона, йирик савдо комплекслари қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, шаҳарда мўътадил иқлимни сақлаб туриш мақсадида ер ости сувларидан фойдаланиб, канал бунёд этилади. Канал суви насослар ёрдамида тозаланиб турилади. Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун сайлгоҳлар ташкил этилади.

Шаҳарда қуриладиган бинолар 4, 16, 24 қаватлардан иборат бўлади. 24 қаватли бинонинг томида замонавий обсерватория жойлашади. Шаҳар аҳолиси, меҳмонлар ва сайёҳлар 72 метр баландликдан шаҳарни томоша қилиш имкониятига эга бўлишади. Шаҳардаги бинолар вилоят ҳокимлиги биноси атрофида жойлаштирилади. Ҳокимлик биносининг томида хиллаираб турган Ўзбекистон давлат байроғи шаҳарнинг тўрт тарафдаги аҳолига бирдек кўриниб туради.

Сингапурилик лойиҳачилар тақдим этган лойиҳада ҳокимлик биносининг ҳовли қисмида, бинонинг нақд ўртасида каттагина очик жой қолдирилган. Бу лойиҳа ўзимизнинг қўплаб мутахассисларга дастлаб маъқул бўлмади. Аслида ҳокимлик биноси шаҳарни тўсиб қўймасин, шаҳар аҳолисига, бу ерга келган меҳмонларга шаҳар тўрт тарафдан кўриниб турсин, деган ниятда шундай режа қилинган экан. Бундан ташқари, хорижий лойиҳачиларнинг айтишича, бинода бундай очик жойнинг қолдирилиши юртга файзу барака олиб кирар экан.

Муҳтарам Президентимиз ана шу жиҳатларнинг барчасини ҳисобга олиб, лойиҳани тасдиқлашни тавсия қилдилар. "Келинлар, қутилмаган тавсияларни, аммо эзгу ниятда қўл урилган ангилликларни қабул қилишга ўрганайлик. Европанинг санокли давлатларида бор бўлган энг замонавий шаҳарни қуришни биз Тошкент вилоятида бошлаб берайлик", дедилар.

Таъкидлаш кераки, мазкур шаҳар ҳайрат ва ҳавас қилса арзийдиган маскан бўлади. Кўчалари кенг, одамлар сайр қилишлари учун қўпдан-қўп манзарали дарахтлар экилади, яшил йўлаклар бўлади. Автомобил йўллари ёқалаб пиёдалар учун алоҳида, велосипедда сайр қилиш учун алоҳида йўлаклар қурилади.

Йўллarning ёқасида велосипедлар сақланадиган жойлар бунёд этилади.

Лойиҳа бўйича шаҳарни бошқаришда 17 хил ақлли технологияларни қўллаш кўзда тутилмоқда. Булар нимлардан иборат? Бу технология коммунал хизмат соҳасини тўлиқ автоматлаштиришга асосланган. Қайси ташкилот, корхона, қайси хонадонга қанча газ, сув, электр энергияси берилиши, кимнинг қанча қарздорлиги борлиги – буларнинг барча-барчаси компьютер назоратида кузатилиб, автоматик усулда ба-

жарилади. Хонадон эгалари ҳали уйларига етиб бормасдан туриб, йўлдаёқ хонадониди қандай ҳарорат бўлишини ўзи белгилаб қўйиши мумкин.

Йўллари ёритиш ҳам автоматлаштирилган. Қоронғи тушиши билан кўчалардаги чироқлар ўзи ёнади. Ички кўчалар, йўлакларда ҳаракат бўлса, чироқлар ёнади, бўлмаса йўқ. Бу тежамкорлик, одамларда турмуш маданиятини ошириш учун энг маъқул усул, албатта.

Шаҳардаги транспорт қатнови ҳам ақлли технология ёрдамида бошқарилади. Ким қаерга боришни истаса, бекатлардаги чироқли лавҳаларни, кўзгуни ёқса, зарур транспорти қарда келаятгани, қачон етиб келиши ҳақида ўша лаҳзадаёқ ахборот олади. Бундан ташқари, шаҳар аҳолининг тинчлиги ва осийшталгини таъминлаш учун бутун шаҳар видеокамера қузатувлари остида назорат қилиб борилади.

Яна бир муҳим аниқлик – Осиёнинг Сингапур, Корея Республикаси каби ривожланган давлатларида улкан иморатларнинг томлари устида боғлар яратилган. Яъни, бир неча бино ва иншоотларнинг томлари бириктирилиб, афсонавий боғлар бунёд этилган. Ана шу технологияни Нурафшон шаҳрида ҳам қўллаш кўзда тутилмоқда. Томга тупроқ ётқизилади. У ерга экилган боғлар ёмғир сувларини йиққан ҳолда суғорилади. Бунинг қулайлиги, аввало, энергия тежаллади, боғлар атрофдаги ҳудуд қишда – иссиқ, ёзда – салқин бўлади. Чунки боғлар ва экинлар қуёш нуруни ўзига ютади, пастга ўтказмайди. Ишчи-хизматчилар бироз ҳордиқ истаб, очик ҳавога чиқишни хоҳлаб қолишса, томга кўтарилиб, яшил олам қўйида сайр қилиб, дам олишади.

Шаҳарни электр энергияси билан таъминлаш ҳам замонавий усулда бажарилади. Энергия шамол ва қуёш генераторлари воситасида олинади. Чет элликлар ер остининг маълум қисмига тушишганида, у ер 18 даража иссиқ эканини аниқлашган. Ана шу иссиқликдан қишда уйни иситишда, ёзда салқинни ушлаб туришда фойдаланишган. Бу инновацион усул Нурафшон шаҳрида ҳам қўлланади.

Нурафшондан 4 километр нарида Тошкент денгизи бор. Бу ҳам шаҳарда мўътадил, қулай иқлим бўлиши учун имконият яратди. Бундан ташқари, денгиз бўйида янги дам олиш масканлари бунёд этилади. Бу эса Нурафшон шаҳри билан ажиб бир ўйғунлик касб этади.

Яна бир жиҳати – асим пойтахтимиз Тошкент шаҳри аҳолиси учун бир соат йўл босиб Чорвоққа боришдан кўра, 15 дақиқада Нурафшонга етиб келиш, албатта, осон. Келгусида Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидан Нурафшонга қадар тезюрар автомобиль йўли бунёд этилиши кўзда тутилган. Бу йўл аҳолини автомобиллар шовқинидан ҳимоя қилиш учун барьерлар, яъни, шовқин ютадиган мослама билан тўсилади. Турар жойларга таштак қисмларида пиёдалар учун йўлаклар, ер ости ўтиш жойлари қурилади. Бу ишлар халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этган ҳолда бажарилади.

Албатта, бундай замонавий шаҳарнинг бунёд этилиши Ўзбекистонимизга сайёҳлар оқимини янада кўпайтиради. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизни кўриш истагида бўлган сайёҳлар табиийки, "ақлли шаҳар" – Нурафшонни ҳам кўрмасдан кетмайди.

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Икки «Синчалак»

Гулистон шаҳри ва Гулистон тумани маркази – Дехқонobodни боғловчи йигирма қақиримлик масофанинг қоқ ўртасида "Сохибобода" кишлоғи жойлашган. Катта йўлнинг ҳар икки томони обод ҳовлилар ва қуюқ дарахтлар билан кўркам. Ҳар икки томондаги аҳоли ўз кўчаларини Синчалак деб аташни талаб қилишибди, бироқ ҳеч ким Қаландаров номига қўнмапти. Шу сабабли маҳалла идораси ҳамда милиция участка нозири учун намунавий уй қуриб берилган томон "Синчалак – 1" деб, унинг рўпарасидаги иккинчи томон эса, "Синчалак – 2" деб номлангани. Шу тарика бир кишлоқда иккита "Синчалак" кўчаси пайдо бўлибди. Маҳаллага номи қўйилган Сохиб Назаров эса ўтган аср 50-60-йилларида шу ҳудудда раислик қилиб, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг "Синчалак" повести қаҳрамониға прототип бўлган экан.

Бир пайтлар шу ерларда кўрик очган мирзачўлликлар ҳаётидан бадий асарлар яратиш мақсадида усто

адиб яшаган жойларни кўрмоқчи бўлган эдик. Афсуски, у ерларнинг асл қиёфаси ўзгариб кетибди. Аммо шу жойда яратилган машҳур асарлар уларнинг қаҳрамонлари билан ерлик аҳоли ҳамон фахрланишади.

Сохибободиқлар бу йил биринчи марта Хитойдан келтирилган пилла уруғидан уч марта ҳосил олаётган эканлар. Пилла кўрти плёнка остида боқилса барглари қуриб қолмасдан озиклик хусусиятини узоқ сақлайди. Натижада йилгига уч мартагача ҳосил олиш мумкин. Шу мақсадда эндиликда янги тутзорлар яратилмоқда. Пилла боқувчилар уч ой иш билан банд бўлса ҳам меҳнат дафтарчасига бутун йил учун стаж ёзилади.

Сарвинозининг издошлари

Гулистон туманида "Ёшлар – келажак бунёдкори" шiori остида бир қанча янги лойиҳалар амалга ошмоқда. Ўтган йили ёшлар ижтимоий ҳаракати IV қурултойида фермерлик соҳасидаги ишлари эътиборга тушиб, Президентимиз томонидан ер ҳайдайдиган ва чопиқ тракторлари совға қилинган Сарвиноз Шокирова ҳам

энг пешқадам ёшлардан бири. "Ёш фермер", "Ёш мутахассис", "Тадбиркор аёл" кўрик-танловлари қолиби, "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишонини соҳиби Сарвинозининг ютуқлари барча соҳаларда туман ёшларига ибрат бўлаётир. Хусусан, 11-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ирода Эсонбекова "Ёш китобхон" кўрик-танлови вилоят босқинида биринчи ўринга сазовор бўлди. 17-мактабнинг 5-синф ўқувчиларидан иборат "Бахтли болалар" жамоаси 1-3 май кўнлари қорақалпоқ диёрида ўтказилган "Камалак" билимдонлари" кўрик-танлови республика босқинида биринчи ўринни эгаллади. Жамоа раҳбари – мактаб ёшлар етакчиси Лобархон Болтабоева эса "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидаги фаол, фидойи ёшлар ва сардорларни рағбатлантириш мақсадида олий таълимга имтиёз бериш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан махсус грантни қўлга кириштиб, Гулистон давлат университетида ўқишга тарадуд кўрмоқда.

Туманда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари шарофати билан 220 нафар фуқаро турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлашди. Тўқсон нафарга яқин ёшлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун банк кредитлари билан таъминланди. "Ёшлар маркази" қошидаги тил ўрганиш ва касб-ҳунар тўғарақларига 140 дан ортқ ёшлар жалб қилинган. Мактабларда ташкил этилган "Саховатли ёшлар" ҳаракатининг 560 нафар аъзоси кам таъ-

минланган, ҳимояга муҳтож, шунингдек, ёлғиз қарияларнинг уй ва томорқаларига бирктирилган.

Туман ҳокими Абдумавлон Ибодуллоев навбатдаги "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида энг фаол ёшларни тақдирлаб, уларнинг тақлиф ва лойиҳаларини эътибор билан тинглади. "Шарқ ҳақиқати" маҳалласида яшовчи Озодбек Равшанбеков кичик томорқадда "Симиренко" навли олма ва бошқа неъматлар етиштираётганини айтиб, янги боғ яратиш учун уч гектар ер сўради. Дилшод Мухторов туман маҳаллаларида радиоузел очиб тақлифини илгари сурди. Шаҳзода Ҳошиммухамедова ёшлар ўқув маркази очиб, Нилуфар Қаландарова эса банкдан кредит олиш бўйича ёрдам сўради. Коллеж талабаси Диёра Саъдинова туман марказидаги айрим кўчаларда пиёдалар йўлкаси йўқлиги одамлар ва транспорт қатновиға ҳалақит бераётганига эътибор қаратди.

Туман ҳокими ёшлар қўйган масалаларни мутасаддилар иштирокида шу ернинг ўзида муҳокама қилиб, барча тақлифлар реал ва аҳамиятли эканлиги учун уларни қаноатлантиришга ваъда берди. Бинобарин, ёшлар илгари сўраётган лойиҳа ва ташаббуслар уларнинг чинакам келажак бунёдкорлари сифатида камол топаётганидан далолатдир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" мухбири

“МЕН ЎЗ ҚАҲРАМОНИМНИ ТОПДИМ”

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Ҳа, ўтган асрнинг ўрталарида атоқли адиблар, шоирлар ижодий фаолиятида ўзига хос ибратли аъёнлар шаклланиб кетди. Чекка-чекка туман, қишлоқларга чиқиш, ўша ерда истиқомат қилувчи деҳқонлар, чорвадорлар, бир сўз билан таърифлаганда, меҳнаткаш, заҳматкаш аҳоли орасида яшаб, улар ҳақида сермазмун, таъсирчан асарлар яратиш аъёнлари шулар жумласидандир. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” поэмаси, Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романи, Абдулла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана” пьесаси каби машҳур асарлар худди шундай халқ ичига юриш шарофатидан вуҷудга келган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўша даврда яратилган асарларнинг факатгина бадий жиҳатдан пишқ-пухталари, ҳаётийлик, ҳаққонийлик талабларига жавоб бера олганлари замоналар оша яшаб қолди. Улар ҳали-ҳануз адабиёт ихлосмандлари томонидан севиб мутолаа қилинади. Демак, қай даврда, қай аъёнлар асосида ёзилмасин, асарларнинг бадий даражаси бирламчи аҳамиятга эга бўлиб қолаверади. Бугун ижтимоий ҳаётнинг кенг қўламли бадий полотносини яратиш, уларда замонадош қаҳрамонлар сиймосини акс эттириш, давр руҳини ифодалаш юзасидан тақлифлар, даъватлар ўртага ташланаётган экан, бу эзгу истакларни амалга оширишда ҳам юқорида тилга олинган адабиётнинг азалий тамойилларини назардан қочирмаслигимиз керак бўлади. Замона қаҳрамонлари деганда ўтда ёнмас, сувда чўкмас, тилида шиору, қўлида байроқ, аллақандай сунъий, чучмал образларни қўзда тутмаслигимиз зарур. Жамиятнинг барча жабҳаларида туб ислохотлар қўламли тус олган айни давларда, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш-юксалиш палласида давримиз кишиларининг қувончу ташвишлари, юртдошларимизнинг руҳий ҳолати, ўй-ҳаёллари, дунёқарашини, уларнинг қалбидан, онг-шуурида кечаётган тўлғоқлар, эврилишлар ҳақида ёзиш, йирик-эпик асарлар яратиш бугунги куннинг талаб ва истиғидидир. Албатта, сўзи ва амали ибратли, айниқса, ёшларга ўрнак сифатида кўрсатишга аризли образларни ёрқинроқ тасвирлаш мақсадга мувофиқдир. Халқимизда, адабиёт ихлосмандлари орасида худди шу жиҳатлар акс этган достонларга, қисса ва романларга бугун катта эҳтиёж сезилади. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўрсатилаётган эъзоз-эътибордан, яратиш берилаётган шарт-шароитлар-

дан руҳланиб ижодкорларимиз юқорида таърифлагани каби кўпдан қўтилган асарлар би-тишларига мен ишонаман.

— Одатда ёзувчиларимиз ўз ижодий режаларини сир тутишга уринишади. Аммо сиз замон билан ҳамнафас ижодкор сифатида давр шиддати қалбингизга солган ҳаяжон, замон билан ҳамнафас ижодкор сифатида манбаларни ўрганиш, ижодий изланишларингиз орқали туркум бадий публицистик асарлар яратиш, жамоатчилик эътиборига тушдингиз. Уларнинг аксарияти сеvimли газетамиз саҳифаларида ҳам эълон қилинди. Сизнинг Бухоро вилоятига бориб, маълум муддат ўша худуддаги Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси бў-нёдкорлари орасида яшаб, роман ёзишга бел боғлаганингиз ҳақида эшитдик. Бу ибратли ташаббус, албатта, адабий жамоатчилик-

да катта қизиқиш, ҳамкасб ижод аҳлида эса ҳавас уйғотди. Бундай қарорга кели-шингизда нималар туртки бўлди?

— Аҳли қалам ҳам бошқалар сингари ўзи яшаётган даврдан, жамиятдан айро тушолмайди. Замон билан ҳамнафас бўлиш, замонадош инсон қалбига қулоқ тутиш, унинг руҳий-ҳаёлий ҳолатини ҳис этиш, дунёқарашини терең англаш ҳар бир ижодкорнинг бирламчи ва энг муҳим вазифасидир. Шунингдек, жамиятда кечаётган ўзгаришларга, қувончу ташвишларга бефарқ қараб туришга унинг асло ҳақи йўқ. Ўз қўғоз-қалами билан жабҳада ҳозир бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан ёндошарканман, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ўз фаолиятини бошлаган илк давларданок эътиборимни тортди. Айниқса, унинг тантанали очилиш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сермазмун, таъсирчан нуқти ҳаёлотига фавқулодда ижодий туртки берди. Бу нафақат газни, балки одамни ҳам “қайта ишлайдиган” корхона, деган фикр шу-уримнинг қай бир бурчларида йилт этиб ўтди. Нима учун? Чунки Қандимда бунёд этилган мажмуа факатгина иқтисодий-ижтимоий ҳаётимиздаги улкан воқеа эмас, балки маънавий дунёимиздаги бемисл ҳодиса ҳамдир. Мазкур корхонанинг аҳамияти мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш билангина чекланиб қолмайди, аввало, у юртдошларимизга гурур-ифтихор бағишлайди, ўзлик, эгаллик ҳиссини англайди, яшашга, курашга иштиёқ, эртанги кунга ишонч уйғотди. Худди шу кечинмалар менга тинчлик бермай қўйди. Қандим газни қайта ишлаш мажмуасига бориш,

ўша ерда меҳнат қилаётган юртдошлар билан танишиш, уларнинг турмушини, қўнғил манзараларини йирик бир асарда ифодалаш истаги ҳаёлимни ўйғиради. Ниятимни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбариятига етказдим. Табиийки, улар ижодий режамни қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдамга киришишди.

— Ижодкорда муайян мавзуда ёзишга киришган паллада асарининг энг таъсирчан лавҳалари, воқеалар жараёни унинг ҳаёлида жонланган, “пишиб етилган” бўлади. Сизни таъсирлангирган, ёзишга ундаётган ана шундай бирор воқеа ёки инсон тақдирини ҳақида айта оласизми? Сир бўлмаса айтингчи, ёзишга киришган асарингизни қандай номламоқчисиз, қаҳрамонларингиз қиёфасини қандай тасаввур қилаёсиз?

— Барча инсонларда учрагани каби, очиги, менинг ҳам ўзимга яраша иримларим бор. Масалан, тўла-тўқис қўғозга қўнмаган асарим ҳақида гапиришга бироз истихоло қиламан. Лекин режамдаги романнинг гоёси, йўналиши борасида бемаъл ол гапиришим мумкин. Юқорида қайд этганимиздек, мен мажмуада “қайта ишланаётган” уч дўст қисматини тасвирлашни мақсад қилганман. Корхона, у ердаги жамоа ҳаётга анчагина енгил қарайдиган қаҳрамонларим дунёқарашини буткул ўзгартириб юборади. Қандай инсон “ҳаётдаги энг зарур одам” қабилдаги уларнинг мунозаралари ўз ечимини топади. Мен, Бухоро вилоятига қилган илк ижодий сафарим пайти шундай қаҳрамонларни учратдим. Сўхбатлашдим. Уларнинг ҳаётига чуқур кириб бориш учун, яқин кунларда яна Қандимни кўзлаб йўлга чиқаман. Хуллас, на-соби эрта, роман ёзилгач, уни талабчан ўқувчи-лар ҳукмига ҳавола қиламан. Энг холис фикр-ни улардан кутиб қоламиз.

— Сиз журъатли ёзувчисиз. Ўқувчилар сизни замонавий мавзудаги “Жазирамадаги одамлар”, “Хизр кўрган йигит”, “Темирийўл” романларингиз, “Сирли муаллим” ва бошқа киссаларингиз орқали яхши танийди, катта тажрибага эгасиз. Шу маънода қарорингиз қатъийлигига амин-миз. Заҳматкаш ижодкорга хос катта ҳаяжон, синов арафасидасиз. Олдингизга қўйган эзгу мақсадларингизга етишингизда омад тилаб қоламиз. Ўйлаймизки, газетхонларимиз янги асарингизнинг биринчи ўқувчидан бўлишди.

— Раҳмат, эътибор учун!

Сўхбатдош Ҳ.ХАЙРУЛЛАЕВ

Академик Матёқуб Қўшонов ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, бадий асар таҳлилининг тамал тошини қўйган назарий-олимларимиздан. Олимнинг ўзбек насрининг атоқли намояндалари — Абдулла Қодирий, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш бўйича яратган фундаментал тадқиқотлари ҳали-ҳануз адабиёт аҳлига манзур бўлиб келмоқда. Алломанинг «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати («Ўткан кунлар» романи мисолида)» номли монографияси, муболагасиз айтиш мумкинки, қодирийшуносликда янги саҳифа очди. Бу тадқиқотда қўлланган таҳлил усули адабиётшунослигимизнинг келгуси тараққиёти учун яхши намуна бўлди. Домла Матёқуб Қўшонов том маънода маҳоратшунос тадқиқотчи эди. Унинг «Ҳаёт ва маҳорат», «Ойбек маҳорати», «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» деб номланган китоблари фикримизнинг далилидир. Домланинг бошқа асарларида ҳам ёзувчи маҳорати ҳақида диққат марказида бўлган. Олим ўзининг мунаққидлик фаолиятида бадийликка, асарнинг санъаткорона ишловига эътиборини қаратиб, асар гоёси қанчалик муҳим ва долзарб бўлмасин, у юксак бадий савияда яратилмас экан, бундай асар урбомуқий бўла олмайди, деган ақидага содиқ қолди.



раҳбарининг бевосита бошчилигида ўтгани кўпчиликка маълум.

Устоз Матёқуб Қўшонов том маънода адабиётимизнинг жонкуяри, ёш истеъодларнинг меҳрибон мураббийи эди. Адабиётимиздаги сара асарларни таҳлил ва тарғиб қилиш, ёш истеъодларни топиш ва қўллаб-қувватлаш мунаққидлик фаолиятининг ажралмас қисми эди. Кейинчалик йирик ижодкорлар бўлиб етишган Шукур Холмирозав, Омон Мухтор, Муҳаммад Али каби адиблар ҳамиша устоздан миннатдор эдилар ва бу ҳақда ёзганлар ҳам. Аллома ёзиб қолдирган: «Адабий танқид ҳам ихтиро қилади, ҳам ихтиро қилинган талантларни ардоқлайди» деган ҳикмат ҳозирги кунимиз учун ҳам долзарб.

Академик Матёқуб Қўшонов умрининг сўнгги йилларида асосан эсдаликлар ёзиш билан машғул бўлди. Мутахассисларнинг тан

ЗАҲМАТКАШ ВА ЗАКІЙ ОЛИМ

Академик Бахтиёр Назаровнинг устози ҳақидаги «Халқимиз тарихида Қодирий, Ойбек, Қаҳҳорлар бор экан, улар ижоди, асарлари абадийлашувига бекиёш улш қўшган Матёқуб Қўшонов номи ҳам абадийдир. Келгуси авлодлар бу камтарин, лекин нихоятда заҳматкаш, мўмин ва закий олимни ана шу улкан адиблар қаторида санашга журъат этса ажабмас», деган фикрларида ҳеч қандай му-болага йўқ, деб ўйлаймиз.

Академик Матёқуб Қўшонов йирик фан ташкилотчиси ҳам эди. У киши ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтига раҳбарлик қилган йиллар, кўпчилик эътироф этганидек, мазкур ин-ститут учун энг самарали ижод даври бўлган. Икки жилди «Адабиёт назарияси» Ўзбекистон тарихида илк мартаба яратилган академик адабиёт назарияси сифатида машҳур бўлди. Беш жилди «Ўзбек адабиёти тарихи», икки жилди «Ўзбек адабий танқиди тарихи», икки жилди «Ўрча-ўзбекча луғат» ва яна адабиётшунослик ва тилшуносликка оид қўлаб илмий тадқиқотлар айни шу даврда нашр этилди. 1981 йилда Москвада чоп этилган икки жилди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ўзбек маданияти тарихида улкан воқеа бўлди. Олтойшунослик ҳамда туркийшуносликнинг дол-зарб масалаларига бағишлаб ўтказилган хал-қаро илмий конференциялар ҳам институт

олишича, олим яратган мемуар асарлар ушбу жанрнинг етук намуналари ҳисобланади. Чу-нончи, «Дағиш», «Дийдор», «Армон» номлари остида чоп этилган эсдаликлар халқимиз та-рихининг бутун бир даврини камрайди. Улар-да аллома ўзи кўриб, бевосита мулоқот қил-ган оддий одамлардан тортиб, йирик давлат арбоблари, адиб ва санъаткорлар, илм-фан фидойилари ҳақида эсда қоларли, таъсирчан хотиралар акс эттирилган. Бу хотираларни ўша ўтган давларнинг ўзига ҳос солномалари, дейиш мумкин.

Иккинчи ҳажон уруши қатнашчиси, бир неча ҳарбий орденлар соҳиби бўлган олим ўзининг уруш хотираларини «Алам» деб ном-ланган хотира китобида таъсирчан ва ҳаққоний тасвирлайди.

Йирик адабиётшуно олимлар тан олиб қайд этганидек, ўзбек адабиётшунослигида «Қўшонов мактаби» мавжуд ва ўз издошлар-ига эга. Истиқлол даври ўзбек адабиётининг самарали тараққиёти учун шундай мактабнинг борлиги яхши ва уни янги, юксак марраларга олиб чиқиш бугунги адабиётшунослигимиз-нинг бурчи ва вазифаси деб ўйлаймиз.

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
ЎзР ФА вице-президенти,
тарих фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институ-ти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида йирик адабиётшуно олим, академик Матёқуб Қўшонов таваллудининг юз йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Анжумани Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, профессор Н.Маҳмудов олиб борди. ЎзР ФА вице-президенти, тарих фанлари доктори Б.Абдуҳалимов олимнинг ўзбек адабиётшунослиги ривожидagi ўрни ва хизматлари ҳақида гапирди. Ўзбеки-стон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али устознинг шоғирдларга жонкуярлиги, талабчанлиги, у билан қилган мулоқотлар билан боғлиқ хотираларини гапириб берди. Таникли адабиётшуно олим-лар Н.Каримов «Матёқуб Қўшонов — оёкбешунос», Т.Мирзаев «Моҳир фан ташкилотчиси», У.Норматов «Йирик қаҳоршуно олим» мавзуларида маърузалар қилишди.

Шунингдек, С.Мелиев, Қ.Қаҳрамонов, И.Ҳаққулов, С.Умиров, Қ.Эргашев, Р.Жумиёвнинг чиқишларида устознинг катта адабий-танқидий мероси ҳақида қизиқарли фикрлар айтилди. Анжуманда қатнашган академик М.Қўшоновнинг рафиқаси Раҳима Раҳмонова ва фарзанд-лари ушбу тадбир ташкилотчилари ва иштирокчиларига миннатдорлик билдирдилар.

Уюшма ва худудий бўлимлари фаолиятдан

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма-сида «Фаол тадбиркор — ижодкор нигоҳида» республика ижодий танлови тақдимотига бағишлан-ган тадбир бўлиб ўтди.

Унда уюшма мутасаддилари, Тадбиркорлар ва ишбилармон-лар ҳаракати — Ўзбекистон Ли-берал-демократик партияси ва-киллари, ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур танлов Ватанимиз тақ-дири ва истиқболи учун масъули-ятни ўз зиммасига олишга қодир, замонавий ва фаол тадбиркорлар сафини кенгайтиришга, юртимиз-да тадбиркорлик маданиятини ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди. Шунингдек, танлов шартлари ва мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенгроқ тарғиб қилиш бўйича ҳамкор ташкилот-лар билан қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

ФАРҒОНА. Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ва «Фарғонаазот» акция-дорлик жамияти ҳамкорлигида китобхонлик танлови ташкил этилди.

Танловда «Фарғонаазот» акци-ядорлик жамиятининг 12 нафар худумлари бадий адабиёт мав-зуларида беллашдилар.

Танлов ғолибларига Ўзбекис-тон Ёзувчилар уюшмаси Фарғо-на вилоят бўлими томонидан ки-тоблар тўплами ва «Фарғонаа-зот» акциядорлик жамиятининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

СИРДАТ. Ёзувчилар уюшма-си вилоят бўлими, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши билан ҳамкорлик-да Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус касб-хунар коллежида «Ватанимга муносиб фарзанд

бўламан» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда ёшларга китоб ўқиш-нинг аҳамияти, китоб мутолааси-нинг инсон маънавиятини шакл-лантиришдаги ўрни ва ёшлар онги ва тафаккурини юксалти-ришда аҳамияти ҳақида сўз юри-тилди.

Ёшларга «Ижод» фонди томо-нидан ажратилган китоблар ва Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши-нинг совғалари топширилди.

САМАРҚАНД. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижо-рат «Халқ банки»нинг Самарқанд вилоят филиалида «Шоир шео-рушур» мавзусида ижодий учра-шув бўлиб ўтди.

Учрашувда барча соҳалар қатори адабиёт, санъат ва ма-даният ривожига алоҳида эъти-бор қаратилаётгани, айниқса ижодий ташкилотлар ўртасида-ги «Дўстлар клублари» фаоли-

ти, йирик корхона, банк ва ко-мпаниялар билан доимий ҳамкору-лик, уларнинг ижод аҳлига кўрсатаётган ҳомийлиги бугун ўз самарасини бераётгани хусуси-да сўз борди.

БУХОРО. Ёшлар куни айёми кўҳна ва боқий Бухорода ҳам ул-кан шодиёнага айланиб кетди. Қўча ва хиёбонлар, спорт мажму-алари, маданият ва истироҳат боғлари, вилоятнинг энг сўлим ва салқин гўшалари байрам туфай-ли чирой очди.

Устоз шоир-ёзувчилар ва ёш истеъодлар иштирокида кечган «Назм ва наво» кечалари, янги китоблар тақдими, «Энг зукко шеоърхон», «Энг фаол китобхон», «Мен севган қаҳрамон», «Менинг биринчи китобим» танловлари Ёшлар куни тадбирларида ўзгача шукўҳ бағишлади.

Ахборот хизмати

“ЁШЛИК”

2018 йил, 5-сон

Таникли шоир Йўлдош Ўзбекнинг “Ифор-лар ичидан ёр ҳиди келар” деб номланган бир туркум лирик шеърлари қалбнинг соҳир кечин-маларидан, табиат ва инсоннинг азалий муштарак ва уйғун дунёсидан сўз очади. Шоирлардан Бена-зирнинг, Исмоломжон Кўчоровнинг шеърлари ҳам эътиборингизни тортади.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг “Зарб” номли қиссасига мухтасар сўзбошида таникли адиб Эркин Аъзам ёзади: “...мутолаадан асло зерикмайсиз, “Мен севган қаҳрамон”, “Менинг биринчи китобим” танловлари Ёшлар куни тадбирларида ўзгача шукўҳ бағишлади.



асар енгил ўқилади, завқ билан ўқилади, халқона тилига, бурро ифода-ибо-раларига-ку тан бермай иложи йўқ”. Бобо Равшаннинг “Меҳрибон” номли ҳикоясини ҳам ушбу сонда ўқийсиз.

Аҳамбек Алимбековнинг ёшлар насри, Рустам Мусурмоннинг Абай ўла-ларининг халқчилиги ҳақида, Абдусаттор Жуманазарнинг ажодларимиз ёзиб қолдирган асарлар ҳақида маълумотлар баён этилган мақолалари, “Қўлёзма” руқнда берилган таникли шоир Отаёнинг “Қумсаи” номли шеъри ва бошқа мавзулардаги материаллар журнал мундарижаси ранг-барангли-гини таъминлаган.

Атоқли шоир Миртемир ҳақида сафдошлари ва шоғирдларининг дил сўзлари, фотосуратлар берилган. Жумладан, машҳур кирғиз адиби Чингиз Айтматов дил сўзида қуйдаги эътирофларни ўқийсиз: “Миртемир ҳақида ўйлаш ва унинг муборак хотирасини ёдга олиш ҳам қувончи, ҳам қайғули-дир. Шунинг учун ҳам қувончлики, Миртемир улкан шоир, жонажон дўст, тенги йўқ дилкаш инсон эди; шунинг учун қайғулики, қалбимизга жуда каттик таъсир қилган бу мусибат ҳали унутилган эмас. Биз Миртемирни ҳамиша машҳур қаламкаш салафлари қаторида барҳаёт, деб биламиз”.

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

2018 йил апрель сони



Журналнинг бу сонида қардош Тожикистон ада-биёти, маданияти ва санъатида кенг ўрин берил-ган. Тожик мумтоз ва замонавий шеърляти намо-яндаларидан М.Турсунзода, М.Қаноат, А.Сайфул-лов, Б.Сафиева, Б.Собир ва бошқаларнинг ижо-дидан намуналарни аслиятдан Жамшид, Ў.Жалол, С.Ҳожибоев сингари таржимонлар ўзбекчага ўги-ришган. Таникли ёзувчилардан М.Бахтийнинг “Қария” номли қиссаси ва А.Самаднинг ҳикоялари (таржимон Ў.Усмон) бугунги тожик насридаги ба-дий-гоғвий изланишлар ҳақида муайян тасаввур беради. “Глобус” руқнидаги Тожикистон маданияти ва санъатида доир материаллар қардош халқ санъаткорлари қўлга киритаётган ижодий юту-қларига бағишланган.

Адабиётшунослик масалаларига оид мақолалар: Т.Сайдалиевнинг “Ўтган кунлар”нинг русча таржималари ҳақида”, Н.Каримовнинг “Давр Шухрат тақдирда”, туркиялик олим В.С.Елўқнинг “Янги тамойиллар кашфи” каби тадқиқотларида замонавий ўзбек адабиёти намуналарининг хорижий тилларга таржималари, улардаги бадий тамойиллар талқини борасида фикр юритилади.

Америкалик олим, таржимон ва шарқшунос Марк Риис ўзбек тили ва адабиётининг хориждаги мутахассисларидан. Риис ўн икки йил да-вомида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини инглиз тилига таржима қилди. Журналнинг ушбу сонида унинг мазкур таржима жа-раёни ҳақидаги мақоласи ҳамда “Ўткан кунлар” романидан бир парча-ни аслиятда ва инглиз тилига қилинган таржимада қиёслаб ўқиш им-кониятига эга бўласиз.

ШУКУРИЙ ДЕВОНИ

Янги нашр

Абдушукр Шуқурий XVIII аср охири XIX аср бошлари ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили. Зуллисонаий шоир, мо-ҳир нақош Шуқурий Бухоро адабий муҳитида шаклланган. Де-вони дебocasида таржимаи ҳолига доир қуйдаги маълумот бор: “Агарчандики мавлидидан балдаи Фарғона, насабим турк-ман отлиғ эрди, аммо улуг боболарим Мотопар қушбеги ибн Қурбон отлиғ ибн Баёш оталиққим, намақўри ва жонсипари бу давлатхона эрдилар”.

“Navro’z” нашриётида чоп этилган Шуқурийнинг “Девон”ини нашрга Собира Жўраева тайёрлаган ва китобга “Шуқурийнинг ҳаёти ва ижоди” сарлавҳали мақоласини илова қилган. Мақо-лада таъкидланишича, шоир “мумтоз шеърлятининг ўнга яқин жанрларида қалам тебратган бўлса-да, унинг ижодида ғазал асосий ўрин эгаллайди. Ва уларнинг айримларида тасаввуфий маънолар ёритилган бўлса, баъзиларида ахлоқий-дидактик мазмунлар илгари сурилган”.

Шуқурий “Девон”и дебоча, ғазаллар, мухаммаслар, маснавийлар-дан таркиб топган. Китоб сўнгидида шоир асарларида қўлланилган айрим сўз ва ибора-ларнинг луғати ҳамда изоҳлари берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Шуқу-рий девони илк мартаба нашрга тайёрланиб, кенг китобхонлар оmmasига тақдим этилмоқда.



Бошланиши биринчи саҳифада.

Адабиёт байрали

Ҳазрат Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг ўн олтинчи фасли – "Назм гулистонининг" хушнама кўшлари зикрида" тўхта-лар экан, уларнинг "Ишлари маоний ҳазоини-дин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм термак" эканини таъ-кидлайди. Улуг бобомизнинг дурдона асарла-рида назм аҳли, ижод сирлари, сўз ва маъно борасида бебаҳо сабоқлар муфассалки, бун-и англаган ёш ижодкорга мақсад сари тўри ва нурафшон йўл очилади. Назм гулистони сари интилуғви ёшларга бу семинар тараддуд ва-зифасини ўтайди. Қолаверса, бу семинар ижод аҳлининг, адабиётга дахли бор ҳар бир қалб-нинг байрамидир.

Устозлар, ўрни келганда, ўзларининг ижо-дий семинарда илк бор иштирок этганини, ал-батта, қувонч билан ёдга олишади. Ҳар бир қаламқаш учун ўз асарини адабиётимизнинг таниқли вакиллари ҳукмига ҳавола этиш ҳаяжонли ва унутилмас воқеадир. Тарихга на-зар ташласак, Ойбек, Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир сингари устозларимизнинг анжуманларда сўзлаган маъруза матнларини, ёзган мақолаларини ўқиб, ёшларга бефарқ бўлмаганига, уларнинг ижодига талабчанлик ва меҳрга йўрилган тилакларини билдирганига гувоҳ бўламиз. Бугун эса, улар тилак билдир-ган ёш қаламқашлар тажрибали адиблар қато-нда ёшларга маслаҳат бериб, устозлар като-

ёдорликлар, халқ онгу шуурида рўй бераёт-ган янгиланишларни тарихнинг ёрқин саҳифа-ларига битиш ва халқни бунёдкорлик сари раг-батлантира олишдир.

Ёш қаламқашлар учун семинарда кўплаб тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан, Иброҳим Фафуров, Анвар Обиджон, Усмон Азим, Азим Суён, Эркин Аъзамов сингари таниқли адаби-ётшунос олим, шоир ва ёзувчилар билан бўла-жак учрашув, ижодий суҳбатлар ёшлар ҳаёти-да унутилмас бўлиб қолади, албатта.

Айни пайтда ёшлар бир-бирлари билан, ма-

ЎРИКЛИСОЙ ҲАЙРАТЛАРИ

шклари билан танишадилар, дўстлаша-дилар, ижодий ҳамкорлик ўрнатадилар, мушоираларда иштирок этадилар, ўз машқлари юзасидан бевосита устоз-ларнинг фикр ва мулоҳазаларини тинг-лайдиларки, буларнинг бари истиқ-болда ёш қаламқаш учун катта мактаб вазифасини ўтайди.

Ушш ва ишонч

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, унинг худудий бўлимлари кўмагида га-зетамизнинг кейинги икки сонида семи-нар иштирокчиларининг машқларидан намуналар берилди. Ўйлаймизки, семи-нардан кейин ҳам улар бизнинг доимий муаллифларимиздан бўлиб қолади.

Биз ёш ижодкор-ларга умид ва ишонч билан қараймиз, ижо-дий ишларига муваф-фақиятлар тилаймиз. Улар ҳам адабиёт бўстонида қалбларида умид ва келажакка ишонч билан инти-ладилар. Ижод олами эса ўзига хос, ҳар бир ижодкор-нинг ўз йўли, овози бўлиши ке-рак, аммо мақсад бир. Юқори-да таъкидланганидай, элу юрт, адабиёт равнақида хизмат қилиш. Семинар иштирокчи-лари билан суҳбат жараёнида уларнинг катта ниятлар билан қўлларига қалам олганига гувоҳ бўлдик. Келинг, уларнинг қалбига қулоқ тутай-лик:

**Муҳаммад МУРОД,
Самарқанд чет тиллар институти
талабаси:**

— Мен инглиз ва француз тилларидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига бадиий асарларни таржима қиламан. Семинарда Ги де Мопассан, О Генри, Виржиния Вулф, Жон Колер сингари жаҳон адабиёти номояндалари-нинг ижодида қилган таржималаримни, шу-нингдек, инглиз тилига ўнгирганим — Чўлпон-нинг ҳикоялари ва Эркин Воҳидов шеърлари-ни олиб келдим. Устозларнинг таржималарим борасидаги фикр-мулоҳазалари мен учун ни-

ҳоятда қимматли. Келгусида жаҳон халқлари оғзаки ижоди намуналарини ўзбек тилига ва "Алломиш" достонини инглиз тилига таржима қилиш ниятим бор.

**Орифжон ОДИЛОВ,
"Жомбой тонги" газетаси ходими:**

— Семинарда публицистика йўналиши бўй-ча қатнашяпман. Таълим тизими, спорт, тала-балар ҳаёти муаммолари мени кўпроқ қизиқ-тиради. Замонавий журналистикани интернет

ти университети таянч док-торантурасига қирмоқчиман. Алишер Навоий ва қорақал-поқ адабиёти мавзусида ил-мий тадқиқот олиб бориш ни-ятидаман. Ҳозиргача бака-лавр ва магистрлик даража-лари учун ёзилган илмий иш-ларим ҳам шу мавзуда эди. Энди мавзунини янада чуқурроқ ўрганиш имкониятига эга-ман.



**Аббос РЕЙИМОВ,
Нукусдаги академик лицей ўқитувчиси:**

— Ижодий мулоқотлар, устозлар билан суҳ-батлар чоғида маҳорат бобида сабоқ олиш ниятидамиз. Таассуротларимиз бой бўлиши-га ишончимиз комил. Ўқитувчиман, айни пай-тда ижодий фаолият юритаман. Бу семинар мен учун ҳам ўқитувчилик, ҳам ижод бораси-да катта наф келтиради, деган умиддаман.

**Нафиса АЗИЗОВА,
Термиз давлат университети хорижий
тиллар факультети талабаси:**

— Жаҳон адабиётидан Франц Кафка, Чарлз Диккенс асарларини севиб ўқийман. Менинг бу тадбирда иштирок этишимга туртки бер-ган инсон ўтган йили Зомин семинарида иш-тирок этиб, катта таассуротлар билан қайт-ган Жўраали Солижоновдир. Кейинги бир йил давомида Жўраали ака менга керакли ижо-дий маслаҳатлар берди. Насрий асарларни, асосан, инглиз халқ оғзаки ижоди намунала-рини ўзбек тилига таржима қиламан.

Табиат селри

Ижод чашмаларидан бири, шубҳасиз таби-ат мўъжизалари ва унинг бетакрор манзара-ларидир. Тароватли Ўрикисой мавзесида юр-тимизнинг барча ҳудудларидан келган хавас-кор қаламқашлар ўқиган шеърларни тоғлар, кенгликлар, боғлар, арчазор, сойлар ҳам тин-глайди ва табиат уларга яна янги мўъжизала-рини кўрсатиб, илҳом бахш этади.

Семинар кун тартибиде иштирокчиларнинг табиат бағрига саёҳати ҳам режалаштирилган. Зомин миллий боғи ҳамда давлат кўриқхонаси шифобахш бўлоқлари, мусаффо ҳавоси, набот-от ва ҳайвонот дунёси билан нафақат юрти-мизда, балки бутун дунёда эътибор толган. Бу маскандаги етти юз тур наботот вакилларида-н ўн учтаси ноёб ҳисобланади. Қушларнинг юз-дан ортиқ тури ва бошқа камёб жониворлар орасида Туркистон силвосини, оқ тирноқли айиқ, Северцов қўйи, қор қоплони ҳамда бургут,

Эртага семинар ўз ишини якунлайди, аммо унинг шуқуҳи қалбларга кўчади, унутилмас бўлиб қолади. Эртага янги истеъдодлар билан танишамиз, демакки, сафларимиз кенгайди. Зеро, бугунги ёш ижодкор — эртанги адабиётимиз яратувчиси.

ҲУМОЁН АКБАРОВ

Маҳорат мактаби

Абдулла ҚАҲҲОР

ЁНДАФТАРДАН

«Ёшлар билан суҳбат» китобидан

Ҳаёт магнит — ўзига тортади, ёзувчи шу магнитни ўзига ўқитира олсагина китобхонни ўзига торта олади.

Яхши ёзолмаганини кечириб бўлмайди, лекин яхши ёзишни истамаганини кечириб бўлмайди.

Менинг бир қариндошим бор, ёзувчи бўлиш учун илми ҳам, лаёқати ҳам бўлмагани ҳолда, ёзувчиликка ҳавас қилади; илми борлигини, бошқа одамларга қараганда адабиётга яқин эканини кўрсатиш учун ҳамма ерда «П» ўрнига «Ф» ишлатади.

Кишининг бир ғояга садоқати танлаган касби-хунари билан шу ғояга қай даражада яхши ва кўпроқ хизмат қилгани, қилаётгани билан ўлчанади.

Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас.

Сергап, эзма одамни суҳбатда изза қилиш, сергап, эзма нотикча «қисқароқ бўлсин!» деб сўз ташлаш кифоя, лекин сергап, эзма ёзувчинини албатта судга бериш керак.

Микроб қанчалик хавфли бўлса, уни шунчалик катта қилиб кўрсатадиган микроскоп керак. Сатира ўтига учраган киши, виждони бўлса, одамларнинг юзига қаролмайди, виждони бўлмаса, оғзидан кўпик сочиб, ёзувчининг кетидан болта кўтариб югуради.

Адабиёт хунари, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган кўртдан фарқ қилмайди.

Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак. Лекин ёзилган нарсани ўқириш, китобхонга зарур гапларнигина қолдириш учун талантнинг ўзигагина кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак.

БОР БУЮКЛИК СЕНДА МУЖАССАМ

Бу диёрда

Бу диёрда бахтиёрдир
Ҳатто ерда унган чечак.
Қаро тунда оқ кўнгилар
Бахт ҳақида сўйлар эртақ.

Бу диёрда бўлаларнинг
Кулгулари — тинмас қўшиқ.
Ҳатто кўёш севар уни,
Ҳатто юлдуз унга ошиқ.

Бу диёрда кексаларнинг
Дуолари мисоли нур.
Савлатига, сурургига
Тангри таққан кўзмунчоқдир.

Бу диёрда орзуларнинг
Армонини тополмайсиз.
Ёвузликнинг йўлга тушган
Карвонини тополмайсиз.

Бу диёрнинг камолидан
Кулгичларда қувонч кулар.
Тугёнларга тўлиб қалби,
Зухролари шоир бўлар.

Бу диёрда...

Зухра ЙЎЛЧИЕВА

Жиззах вилояти

Ватан

Турналардай тизилишиб йиллар ўтар,
Гоҳо булбул, гоҳо тўти диалар ўтар.
Даҳри дунининг мозий отлиғ довоидан,
Ватан деган, юртим деган йўллар ўтар.

Баъзан майин шаббодадан тўзғир кўнгил,
Сор, лочиним, пешонамга келиб кўнгил.
Ватан десам, томиримда нур оқади,
Қирда кулган қизалдоққа бўлгум сингил.

Япроқларга эртақ сўйлар бобочинор,
Кўксингизга орзулардан тақинг тумор.
Қалдирғочлар қўшиғидан ҳикмат ўқдим,
Райҳонларда момоларим ислари бор.

Гулмира АБДУРАИМОВА

Сурхондарё вилояти

Истиқлол

Не бахтким, жанинатга қиёс бу диёр,
Тилларда шукрона шеваси, дўстлар.
Қалбларда саодат нашидаси бор,
Бу қушлар истиқлол меваси, дўстлар.

Кўкларга бўй чўзиб, отганча илди —
Қуш сайин барқ уриб яшнамоқдамиз.
Бахт узра қадамлар ташламоқдамиз,
Бу қушлар истиқлол меваси, дўстлар.

Ярашмас бегона ғоялар бизга,
Қарамлик солмағай соялар бизга,
Посбондир тоғу тош, қоялар бизга,
Бу қушлар истиқлол меваси, дўстлар.

Не ажаб, қуйласам завқ ила жўшиб,
Демангким, айтадир кўпчигиб, қўшиб,
Атрофга боқайлик қалб кўзин очиб,
Бу қушлар истиқлол меваси, дўстлар.

Ватан, сени тунсиб эттали,
Тополмадим мамосил қалом,
Сўзим етмади...
Моҳиятинг чизмоққа ҳали
Қўлимдаги ожиздир қалам —
Кўзим етмади.

Бор буюклик сенда мужассам,
Шундан балки титратар ҳайрат,
Боқсам, дилимни.
Муаззамсам, чиндан муаззам,
Ноқислигим кўрсатар гайрат,
Боғлаб тилимни.

Саҳардан нур тутиб шомингга,
Ижозатми, чархлаб ўзимни,
Маърифат туйсам?
Майлими, эй Ватан, номингга
Топгунимча бугедай сўзимни,
Жимгина суйсам?!

Алишер САБРИЙ

Самарқанд вилояти

Халқим бор

Забардаст тоғларга салом бермасам,
Юз тулпор юрган йўлим тор менинг.
Шашти зўр Жайхуннинг тўлқинидан ҳам
Қора қалпоқ кийган халқим бор менинг.

Кенг дала, яйловни кўнглига кўзгу,
Қўй-у йилқидан кўп нияти эзгу,
Мен ғариб болангнинг бойлиги сўз-ку,
Сўзни шундоқ суйган халқим бор менинг.

Қизикчи, лаққилар ёнида жамсиз,
Ёшлик айвонига кириб шу дам сиз,
Куртигин емасдан кетармикансиз,
Кулсанг, ўртоқ деган халқим бор менинг.

Ёниб севаман-да, ёниб севаман,
Қумзарралар ичра яшнаган чаман.
Фарҳоддай Оролга йўллар очаман,
Йўлларни оқ юрган халқим бор менинг.

Асрлар қаъридан тортса наъралар,
Йиллар бешигида Ватан аллалар,
Не ўтмишдан ўтди ўқтам қалъалар,
Рухи уйғоқ бўлган халқим бор менинг.

Балиқбўй диёрим, тенгсиз диёрим,
Кўбиз нолабидан яралган борим,
Юракда яғонам, кўксимда орим,
Қорақалпоқ деган халқим бор менинг!

Аббос РЕЙМОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

Отал

Мен кўкдан тушмадим, чиқмадим ердан,
Ё бунёд бўлмадим алёру шеърдан,
Гарчи қалбим пайдо абдий нурдан,
Бу дунёда аввал суянганимиз.

Етти бор ўлчадим, бир бора кесдим,
Қазобларни кўриб, дунёдан бездим,
Кўнгилда кечган бир тугённи сездим:
Бу дунёда аввал суянганимиз.

Кўксим тик, лек бошим шеър дардида ҳам,
Шу ғам мени охир қилгайми одам?!,
Падар бузрукворим, не бўлганда ҳам,
Бу дунёда аввал суянганимиз.

Сухроб ҲАМРОЕВ

Бухоро вилояти

Театрнинг жони — яхши асар. Нафаси — ижро. Драматургия манзилни айтлади. Режиссура уни шу манзилга олиб бориш йўлини ахтаради. Албатта, бунда ёруғ сафарда керакли бўладиган барча нарсаларнинг ўз қадр-қиммати бор: либосу безакдан тортиб мусиқагача — драма инсон юраги, томошабин қалби сари шу зайл йўл олади. Бу қалб уйи эшигининг қай даражада очиқ ёки ёпиқлиги эса, жиддий айтсак, театр учун ҳаёт-мамонт масаласи. Кеча, бугун ва эртада ҳам шундай бўлиб қолиши табиий. Ким нимани хоҳлайди, савияси қандай, деган саволлар ечими ўша одамнинг маънавий эҳтиёж даражасини белгилайди. Лекин унинг маънавий эҳтиёж меъёри шу экан-да, деб ўз ҳолига ташлаб қўйиш жамиятда маънавий таназзулнинг кучайишига олиб келади.

Айтайлик, бундан тўрт-беш йил олдин китоб, китобхонлик, китоб мутлоаси, халқни, айниқса, ёшларимизни китобга қайтариш муаммоси ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб турибди, десангиз тўралар, ботинан дунёни иқтисод кўтариб қолади, деган тушунчага ёпишиб олганлар, очикчасига бўлмаса-да, устингиздан кулишарди. "Китоб сенга нон берармиди, ош берармиди..." деган масхараомиз иддао тошини отгувчилар ҳам бор эди. Театр хусусида ҳам худди шундай тушунчалар шаклланиб, омма онгидека илдири отиб бораётганди. Бу жуда хавфли, жоҳиллик чоҳи сари олиб борадиган жараён. Қайсики жамиятда маънавий эҳтиёж ўлчамли саволларга кетса ва оммавий тус олса, ўша жамият ривожига шак-шубҳасиз жоҳиллик зарба беради.

Шундай экан, маънавий манба ва ибрат мактаби бўлган театрлар олдида ҳам миллат тақдирини билан боғлиқ ўта масъулиятли — фақат ва фақат юксак профессионализм қудрати намоён бўлган сари спектакллари саҳнага олиб чиқиш вазифаси турибди. Бу эса, аввало, драматург, режиссёр, актёр, бастакор, рассом, қўйингки, театрнинг ҳар бир ходими, ҳатто томошабин орасидаги уйғунлик риштасининг чамбарчаслиги билан боғлиқ.

Тўғри, китоб ўқимай ёки театрға тушмай, адабиёт ёки санъат кўчасига бир киё боқмай, қорни тўқ, эгни бут, ҳамёнини ақчага тўлдириб яшавириши ҳам мумкин одам боласи!


Ваҳоланки, китоб ва театр фикрлашга ўргатади. Фикрлар одам эса, дунёга нима учун келганини ҳис этиб яшайди. Шундай экан, бугунги саҳнамиз макъеи, куч-қудрати, жозибаси, намойиш этилаётган спектакллари савияси масаласида қайғуриш ўзимиз ичаётган булоқ сувининг соғлиғини сақлаш, уни асраб-авайлаш билан баробар юмушдир.

Бугун театрларнинг баъдий имконияти, репертуар кўлами ҳақида, умуман, спектакллар савияси борасида кўп баҳслар бўляпти. Очиги, бундай мунозаралар олдин ҳам бўлган. Яхши саҳна асари ҳамиша ҳам яратилавермайди. Драматургиянинг проза ва поэзиядан фарқли жиҳати шундаки, драма жанр нуктаи назаридан саҳнага тўрт томондан боғланган бўлади, учса ҳам саҳнани ўзи билан бирга олиб ўтади, чўкса ҳам ўзи билан бирга олиб ўтади. Чунки драма муаллифники, драматургники, спектакль эса режиссёрники, томошабинники. Бундан ташқари, саҳнанинг ўз қонун-қоидаи бор, унга амал этмаслик муаллифни ҳам, асарни ҳам абгор қилади. Про-

зани ҳаёлан жонлантисасиз, драма эса саҳнада "тирилади", уни бевосита кўриб, шуурингизда ҳулоса жасайсиз. Проза ҳаётот уммонида сузса, драматургия ҳаракатлар тўфонидека жонланади.

Нима бўлган тақдирда ҳам бугунги кунда саҳна юки ерга ташлаб қўйилгани йўқ. Бармоқ би-

лан санарли драматургларга бот-бот мурожаат қилаётган театрларимизнинг репертуарида истеъдодли ёшларимиз қаламига мансуб саҳна асарлари ҳам пайдо бўлаяпти. Бу жуда яхши,



қувонарли ҳол. Маънавияти улуг, санъатсевар халқнинг маданияти ҳеч қачон бир ерда депсиниб қолмайди — оққан дарё ҳамиша оқаверади. Ёш драматурглар сафи кенгаймоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилаётган ёшлар семинарларида илгари 2-3 драматург номига қатнашган бўлса, эндиликда номзодлар сони йигирма-йигирма беш нафарга етаяпти, иштирокчилар танлов асосида қабул қилинаёпти. Айниқса, Ёшлар иттифоқи ҳузуридаги Ёш ижодкорлар кенгаши томонидан ўтказилаётган турли танлов ва форумларда ёш драматургларнинг ўрни сезилмоқда, қолаверса, бу адабий анжуманларда драматургия секциялари пешқадам. Ёшларимиз бир саҳнали, қисқа кўринишли тугал асарларини саҳналаштириш юкини ҳам ўз зиммасига олишмоқда. Шу йил Шаҳрисабзда бўлиб ўтган "Ўзбекистон баҳори" Ёшлар фестивалида ёш драматургларнинг асарлари нафақат ўқиб эшиттирилди, балки саҳнада ҳам намойиш этилди. Бу эса драматургга ҳам режиссура, ҳам актёрлик ижроси, ҳам саҳна беағи, мусиқа ва

бошқа рамзий ҳолатларни мукамал ўрганиш имконини беради. Ўз-ўзидан драматург саҳна билан боғлиқ йўналишларни эллик фоиз эгаллаган бўлиши керак, деган драматургиянинг "кўринмас" андоза ва ақидасига амал қилиш демакдир бу! Шундоқ

бўлган, хурсанд бўлиб айтишим керакки, ўзбек театр санъатининг довуғини кўтаришнинг энг муҳим томонига эътибор берилаяпти. Ёшлар билан саҳнада ишлаш ва уларнинг саҳна сари йўл олишига имкон яратилмоқда. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таҳсил олаётган Сардор Ҳамроев, Обид Рўзибоев, Сирожиддин Рустамов, Моҳларой Аҳмедова, Шавкат Бобомуродов, Ойнигор Мамадалиева сингари ёшларимизнинг пьесалари саҳналаштирилди, айримлари келгуси йил репертуари учун режалаштирилган. Шундай иқтидорли ёшлар билан режиссёр ҳамкорлиги, саҳна асарининг икки қаноти — драматург ҳамда режиссёрнинг ҳамкор-ҳамфикрлиги битта асардан кейин тугамаслиги лозим. Бугун театрларимизда мана шу ҳамкорлик сезилмайди, йўқ ҳисоб. Режиссурада режиссёр драмани ўзгартирмайди, аксинча, яхши драма режиссёрни ўзгартариб, деган гап бор.

Драматургия ва режиссура уйғунлиги саҳна асарининг мукамаллигини, асар ғоясининг тасвир ва ҳаракат орқали томошабин қалбидан жой олиши, бир сўз билан айтганда, драманинг яшовчанлиги, барҳаётлигини таъминлайди. Асар яхши, лекин режиссура ёмон, саҳна талқини саёз ва бачкана бўлса, ҳар қандай драманинг умри премьерадан сўнг тугайди. Кўш битта қанот билан парвоз қилолмаганидек, саҳна асарининг парвози ҳам кўшқанот — драматургия ҳамда режиссурага боғлиқ.

Сир эмас, театрнинг гуриқраши, спектаклнинг довуғи бевосита томошабинга ҳам боғлиқ. Театр томошабинга кўл чўздими, энди томошабин ҳам шунга муносиб бўлиши лозим. Драматург дард-алам ёки қувончу шодликлари монолоқ орқали персонажлари тилидан томошабинга йўллар экан, албатта, у билан мулоқотга киришади, демак, бутун бир асар, спектаклнинг моҳияти томоша залига кўчиб ўтади. Ана шундай қизғин бир жараёни ҳис қилиш учун томошабин нафақат нозик дид соҳиб, балки томоша одобига, театр маданиятига ҳам эга бўлиши лозим. Қисқаси, театрға ўзаро гап сотиш, телефонда гаплашиш, листа чақиш, тамадди қилиш, ёш бола билан вақт ўтказиш, эсанб ё ухлаб ўтириш, истаган пайтда туриб кетиш, хоҳлаган вақтда кириб-чиқиш учун қадам ранжида қилинмайди. Бу дароҳға маънавий завқ, тозариш ва мушоҳада юритиш, ўзини ва ўзлигини кўриш учун келади.

Хулоса шуки, театр — нурухона. Бу қутлуқ масканда ҳаммамиз — драматург, режиссёр, рассом, бастакор, актёр ва барча-барча театр аҳли, театрнинг мутлақ ҳақами томошабин ҳам руҳан ва маънан муштароғу уйғунликини ҳис қилишимиз лозим. Шундагина театрнинг "жони", қисмати ҳар биримизнинг ўз қўлимизда эканлигини англаб етамиз.


Қўқор НОРҚОБИЛ,
Санъат ва маданият институти
доценти, драматург

“ҒАМЗАСИН СЕВДИНГ КЎНГИЛ...”

Халқ ижодиёти улкан уммонки, доимо ижод аҳлининг махсули билан бойиб, мунтазам улканлашиб бораверади. Бундай ҳазинага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган санъаткорлардан бири замонамизнинг забардаст ҳофизини, халқимиз қалбидан муносиб ўрин олган устоз хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродов Қашқадарё воҳасида воғга етди.

Ардоқли санъаткоримиз аввал Термиз шаҳридаги виллоят муסיқали драма ва комедия театрида ижод қилиб, яратган яхши ролларию хонанда сифатида хоник қилган ашулалари билан халқ меҳрини қозонди. Устозларни, хусусан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор Раҳматжон Турсунов билан кўп йиллар ҳамкорликда ишлади. Унинг ижросидаги мақом ашулалари, Хоразм суворалари, бастакорлар қаламига мансуб асарлар ва ўзи томонидан басталаниб ижро этган асарлари элимизнинг маънавий мулкига айланди.

Хушовоз санъаткор ҳақида Ўзбекистон халқ артисти Орқиз Отажонов шундай дейди: "Биз устоз Комилжон Отаиёзов билан Қаршига борганимизда Тожиддин Муродов билан учрашиб қолдик. Устоз Комилжон ака ашула айтаётган бу йигитни таъдирдан сўнг олдимга олиб келинган деди. Учрашиш-



Устозни эслаб

ганда Комилжон ака "Аввало, бу ноёб овозни асраш керак, қолаверса, бу соҳа кўп меҳнатни талаб қилади, меҳнатдан қочмасанг ниятингга етасан", дея ёш хонандага омад тилади.

Тожиддин Муродов нафақат устоз Комилжон Отаиёзовнинг, балки кўпларнинг дуосини олишга мурасор бўлган ҳофиздир. Дуо олган элда азиз, дейди халқимиз. Санъаткор нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни республикаларда ҳам муҳлислариға эга. Айниқса, Фузулий газалига басталанган, бастакор Р.Турсуновнинг "Ғамзасин севдинг..." ашуласи санъаткор довуғини бутун Марказий Осиёга таратди. Дарҳақиқат, қўшиққа ҳофиз ўзининг дардини қўшмаса,

қалб кўридан ва чин дилдан хоник қилмаса, бундай асар халқчил бўлмаслиги аниқ. Устознинг ўқаси Пўлатжон ака билан ҳамнафасликдаги ижролари ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ, деб ўйлайман. Икковларини ҳам Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Бугунги кунда устознинг фарзанди, "Ниҳол" мукофоти совриндори Шарофиддин Муродов отасининг изидан бораёттир. Унга устоз ижро этолмай, армон бўлиб қолган ашулаларни халқимизга тақдим этишини истаб қоламиз.

Бекназар ДЎСТМУРОДОВ,
Ўзбекистон халқ ҳофизини

Хабар

РИШТАЛАР МУСТАҲКАМЛАНГАНДА

Алишер Навоий номидаги киносаройда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига кўра суратта олинган "Ягона осмон остида" ҳужжатли фильми тақдироти бўлиб ўтди. Фильм Ўзбекистон ва Тожикстон Республикалари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги янги саҳифа бўлди, дейиш мумкин.

Бугунги кунда кўшни республи-

калар билан олиб борилаётган дўстлик музокаралари нафақат сузла, балки амалда таъбиқ қилинаётгани эътирофга лойиқ. Аждоҳлар буюк бўлган бу юртининг аждоҳлари ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Ёш авлод тарбиясида катта ўрин тутувчи маънавий фильм муаллифи ва режиссёри Жасур Ихсоқов. Динимиз, урф-одатларимиз бир бўлган, ягона осмон остида яшов-

чи жигардек азиз қондошларимиз. Ҳаётимизда янги давр, янги саҳифа бошланди. Бунинг шукронасини қилиб, дўстлигимиз абдий бўлиши учун курашиш ўз қўлимизда. Ватан ҳисси, миллат гурури, дўстлик нашидасио элатларо тотувлик фазилатларини муҳажасам этган бундай фильмлар сони кўпаяверсин.

Раҳима СОТИМХОН

Оқш

Президентимизнинг Фармони билан Ёшлар куни арафасида юртимиз ва жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида юқори натижаларга эришиб келаётган билимли, ташаббускор, ишбилармон, шижоатли, мард йигитлар "Мард ўғлон" мукофотига сазовор бўлишди. Улар орасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти "Халқ ижодиёти" факультети, "Халқ ашула ва рақс ансамбллариға раҳбарлик" таълим йўналишининг 4-курс талабаси Одилхўжа Қайюм-хўжаевнинг ҳам борлигидан барчамиз мамнун бўлдик.

ВАТАННИНГ МАРД ЎҒЛОНИ

Болалигидан аънавий созандалик ва ижрочилик соҳалариға қизиққан О.Қайюм-хўжаев 2008 йили Мухиддин Қориевнинг номидаги республика кўрик-танловида олий ўринни, 2014 йили Санкт-Петербург шаҳрида аънавий созандалик бўйича ўтказилган "Балтийский берег" халқаро танловида 1-ўринни, 2015 йили "Созлар навоси" Республика танловида бош совринни кўлга киритган.

Албатта, ёш ижодкорнинг ютуқларни кўлга киритишида Маданият коллежи катта ўқитувчиси Нажотхон Тўраҳўжаев, Санъат ва маданият институти фахрий профессорлари — Ўзбекистон халқ ҳофизини Оролмурзо Сафаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комилжон Мирзаев ҳамда бошқа педагогларнинг ҳиссаси катта. Мусликий билимларни пухта эгаллаш, ўзбек миллий чолғу асбобларини юксак маҳорат билан чалиш, соҳанинг сир-асрорларини чуқур ўрганиш битирувчи талабанинг асл мақсадидир. Ватанимизнинг мард ўғлонлари сафидан жой олган ёш ижодкорға янги ютуқлар тилаймиз.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ

Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ:

ҲАР БИР ОДАМ — БИР ОЛАМ

Ўзбекистон халқ рассоми, академик Абдулҳақ Абдуллаев ҳаёт бўлганида ҳозир юз ёшга тўлган бўларди. Ижодкордан халқимизга жуда катта ижодий мерос қолди. Устознинг ҳар бир асари, айниқса, портретларидаги композицион таҳлил унинг чинакам портрет устаси, беназир рассом эканидан далолат бериб турибди. Хусусан, яратган асарларидаги композицион ечим ва услуб биз шоғирдларға ижод мактаби бўлиб қолди.

Портрет санъатиға юксак эстетик принцип нуктаи назаридан қараган Абдулҳақ Абдуллаев бу соҳада ажойиб асарлар галереясини қолдирди. Немис файласуфи Гегель портретни тасвирий санъатнинг чўққиси деб атаган. Рассом чизматасвир ва ранг ёрдамида муайян шахснинг имоитораси, юз-қўзи ва бош ҳаракати, гавада тузилиши орқали психологик ҳолатини беришиға интилади. Ҳар бир кишининг ёши, қомати, касб-кори, семиз ё озинлиги, абжир ё чайирлиги, қўл ҳаракатлари рассомда қандай композиция танлаш, матонат ҳажми борасида аниқ тасаввур уйғотади. Демак, портретнинг ифодали чикиши расми чизилаётган кишининг шахсига, психологик хусусиятлари ва касб-корига ҳам боғлиқ бўлади.

Абдулҳақ Абдуллаев, асосан, якка портретлар устаси эди. Бу борадаги композицион ечимлар беихтиёр гуруҳли портретларға ҳам дахлдор. Фарқи шундаки, гуруҳли портретларда вазифа анча мураккаб-лашади. Унда образлари яратилаётган одамларнинг руҳий-маънавий муштарак ҳолатларини топиб беришиға ҳаракат қилинади. Бундай асарларда баъдий ижодиётнинг яхлитлик қонуниятиға эътиборни кучайтириш зарур. Гуруҳли портретларнинг яхлитлигиға бўлаётган воқеа-ҳодисаларда барчасининг иштирокини бериш ёки бирор буюм, шахсға нисбатан қаратилган диққатни ифодалаш орқали эришилади. Бундай асарларнинг жанрли картиналарға айланиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Бунда портрет санъатининг жонли психологик ҳолатларни тасвирлаши иккинчи ўринға ўтиб, одамлар воқеалар тизимининг иштирокчисига айланади.

Шунингдек, портрет билан бир қиёфали композицияларни фарқлаш керак. Бу каби композицияларда асосий вазифа инсон психологиясини, қалбини, руҳини очиб эмас, балки қайфиятнинг муайян муҳит билан боғлиқлиги ва боғлиқлигини кўрсатишдир. Агар соф портретлар ички сирлари ўқилмаган китобдай туюлса, якка қиёфали композициялар томошабин қаршисида ўз дардини монолоқ тарзида баён этаётган кишиға ўхшаб кетади. Гуруҳли портретларда ҳар бир шахс индивидуал қиёфаси ва қайфияти билан ўзаро фарқланса-да, тасвирий санъатнинг яхлитлик қонуниятиға амал қилган рассом маҳорати туфайли муштарак баъдий яхлитлики ташкил этади.

Устоз мусаввир нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда портрет жанрида донг таратган улуг ижодкор эди. Унинг асарлари жаҳон кўргазмаларида намоиш этилган. Хуллас, беназир рассомнинг асарларини томоша қилиб, ўқиб ва ўқиб, чинакам талант соҳибининг ижоди олмос қирраларидек ранг сочиб, жияланиб турганиға яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бугунги ёш рассомлар устознинг ижодий мактабидан фақат унинг услубини эмас, бошқа яна кўплаб санъаткорона қирраларни ўргансалар фойдадан холи бўлмайди. Бу ҳам мутолаанинг — чизгилар мутолаасининг бир тури.

Қуйида ижодға қадам қўяётган ёшларға ва муҳлисларға устоз мусаввирнинг қалб сўзларидан намуналарни илдиним.

Беҳзод МАҲМУДОВ,
Миллий рассомлик ва дизайн
институти доценти

Инсон сиймосини ҳаётининг мазмуни қилиб олган мендек бир киши учун одам битмас-туганмас ҳайрат манбаидир. Шу сабабдан умрим бўйи унга мафтунман, фикру ёдим унда.

Ҳар бир одам ўзи бир олам. Ҳар бир шахс ўз феъл-атвори, ақли ва айниқса, қиёфаси билан бошқалардан ажралиб туради. Ҳар бир одам — ўзигагина хос жозибаси; кўркамлиги ва латиф атри бор гулни эслатади. Инсон қалбини тасвирлашни энг олий муддаоси деб билган санъаткорлар учун одам чехраси — бутун бир олам, ҳали ҳеч ким қашф этиб улгурмаган тафаккур ва туйғу, жаҳоирлар тўла уммондир...

Мен кўзни инсон виждонининг ойнаси ва инсофу покизаликнинг посбони деб атаган бўлардим. Портрет яратилаётганда кўз психологик изланишлар учун битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилади. Портретчи кўз орқали расминини чизаётган одами миридан-сиригача кўришга, парвоз этган лаҳзада унинг қалбини ич-ичидан яқол кўрсатишға интилади.

Мен Ойбекнинг ўтқир нигоҳини илк бор кўрганимда уни бургутга қиёс этган эдим.

Биз янги жамият, маънавий бой, истеъдодли одамлар жамиятини барпо этиш учун бор куч-ғайратимизни сарфлаётган бир пайтда шу жамиятни ташкил қиладиган одамлар маънавиятдан, биз нафосат олами деб атайдиган дунёдан йироқ бўлар эканлар, унда кўп умидларимиз пучга чиқиси ҳеч гап эмас.

Эстетик жиҳатдан етук, ҳаётни жўшқин идрок этувчи киши учун ҳаёт ҳамиша мароқли, ҳаяжонли бўлиб қолаверади, унинг ўй-фикрларини жалб этаверади.

Эстетик дид, эстетик тарбия ижодкор учун маънавий озуқа. Шундай экан, мен ўқитиладиган фанлар ичидека энг гўзали бу — эстетика дегим келади.

Бефарқликдан, манманликдан қочинг. Сизнинг ёшингиздаги навқирон, ижодкор авлодға бу келажигингизни белгилаб берадиган энг асосий омиллардандир.

Шундай ҳулосаға келдимки, ҳаёт ҳар биримизға унга қандай муносабатда бўлишимизға қараб ўз тухфасини инъом этади. Қизиққанлар учун ҳамма нарс мўъжиза кўрилади. Санъаткорни ана шу тоифадаги одамлар қаторида кўраман.

Ҳаёт шундай бир фанки, уни идрок этишға уринмасак, беҳуда ўтиб кетади. Тасвирий санъат, шеърят, мусиқа баъдий ижоднинг жуда катта завқ бахш этувчи соҳаларидир.

Интеллекти билан бирга ҳиссиёт дунёсини ҳам уйғун такомиллаштириш устида иш олиб борган шахс кишида мароқ уйғотади. Дунёға янги кўз билан боқаётган, ҳамиша иштиёқманд одамлар билан ҳаётимда кўп бор учрашганман. Уларнинг гўзал маънавий оламлари менға илҳом бахш этган. Бундай одамнинг портретларини мароқ билан ишлаганман.

Агар мендан дунёқарашим кимларнинг таъсири остида шаклланганини, шуурим кимлар туфайли воғға етганини сўрасалар, улугъ маърифатпарварлар туфайли камол топдим, дердим.

Буюк сиймолар билан мулоқотда бўлиш иштиёқи бизни уларнинг портретларига мувоҳаат этишға мажбур қилмай илҳомий йўқ. Бу жанрнинг бебаҳолиги ҳам шунда. Портрет инсонни тасвирлабгина қолмай, уни юксак бир руҳда намоиш этади. Чинакам портретчи рассом кўринган одамнинг суратини чизишға рози бўлавермаслиги ҳам шундан.

Мени ҳамиша ва ҳамма вақт руҳан юксак инсонлар қизиқтирган. Руҳан қашшоқ бўлиш даҳшатлидир. Руҳан ғариб бўлиб қолишдан қўриқиб керак.

Ҳар бир инсон бугун, эртага, эллик йилдан сўнг қандай одам бўлиши ҳақида қайғуриш керак. Энг юксак ақидалар қарор топиб бораётган бизнинг жамиятимиз кишиларини мен руҳан ва жисман гўзал сиймолар бўлишди, деб тасаввур этаман.



А.Абдуллаев. Ёзувчи Шўхрат портрети.

Юртимизда инсоният маданий тамаддунида беқиёс аҳамият касб этган манзилгоҳлар кўп. Зараутсой ва Сармишсойдаги қоя тошларга муҳрланган шакллар, буддавийлик ибодатхоналари, Амир Темур ғори, Устюртдаги қадим тарих битиклари чет эллик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу чоққача Миср ва Хитойдан топилиб, шунингдек, шумерлар ва ҳинд тақвимлари инсоният тамаддунининг энг қадимий намуналари сифатида эътироф этиб келинади. 1972 йили Сибирнинг Ачинск қасабаси ҳудудидан топилиб тақвим эса улардан ҳам қадимийроқ. Мамонтнинг тишидан ясалган ҳассачага нақшланган 18 минг йиллик қадимий тақвим инсоният тамаддуни жуда қадим илдишларга эга эканлигига далил сифатида келтирилмоқда. Эндилқда Қашқадарё воҳасининг Чироқчи тумани ҳудудидаги Қуруқсой қишлоғи ҳам тарихчи, этнограф ва қадимшunos олимларнинг тадқиқот марказига айланоқда. Баланс тоғлар қуришларида бу манзилгоҳ сириноттага бой ҳудудлардан бири. Қишлоқ атрофидаги қадимий Сийпантош ва Бешиктош ёдгорликлари

Айлана ичидаги ҳоҳ рамзи уни тўрт қисмга бўлади. Бу йилнинг тўрт фаслдан иборатлигини, айлана ичидаги нукталар эса ойларни изоҳлайди.

Ёдгорлик юзасидаги буқа тасвири қадимда ёмғир ва чақмоқ маъбудди саналган. Унинг яқинида чизилган 28-29 та (учтаси яхши сақланмаган) чизик ой тақвими бўйича кунлар сонини билдирган. Зардуштийлик даврида аждодларимиз оловни муқаддас санаб, унга сийинишган. Ёдгорликнинг баъзи жойларида чироқ ёқиш маросими манзаралари акс этган. Шуниси қизиқки, бу удум маҳаллий аҳоли орасида ҳозиргача ҳам сақланиб қолган.

Ёдгорлик ҳудудидаги ясси тош юзасида одам тиз-

Экотуризм манзиллари

яйлов, сув ҳавзалари, тоғлардан баҳамжихат фойдаланиш хусусида ўзаро келишишган ва бир-бирининг мулки дахлсизлигига риоя этишган. Замонлар ўтиши билан қучлироқ қабила аҳди бузиб, қучсизроқ қабила мулкни босиб олган, қароқчилик ва талончиликлар рўй берган. Шу сабабли қабилалар аҳли мол-мулк ва оилани ҳимоялаш мақсадида ҳар томонлама қулай жойларни ўзлари учун манзилгоҳ сифатида танлашган. Атрофи тоғлар билан ўралган Қуруқсой қишлоғи ҳам ўз даврида стратегик жиҳатдан жуда қулай манзил бўлган. Шу тўғрисида тоғлар билан ўралган Қуруқсой қишлоғи атрофида узоқ ўтмишга доир бир неча маданий қатлам қолдиқлари сақланиб қолган.

Бу ерда қишлоқ мактаби ўқитувчиси Отабек Рўзикулов бошчилигида ўқувчилар ҳаракати билан ўлкашунослик музейи ташкил этилган. Шу атрофдан топилиб миллиондан аввалги даврларга оид сопол идишлар, XIV аср қандақорлик буюмлари, мис қозон ва чўмичлар, кўплаб уй-рўзғор анжомлари, ҳар хил тангалар сақланмоқда. Қуруқсойнинг тадқиқотчилар томонидан ҳали ўрганилмаган, фанга янгилик қўшадиган, тарих зарварақларини бойитишга хизмат қиладиган жиҳатлари кўп.

“Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентимиз фармонида ҳудудларнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, шунингдек, туризм хизматларини ташкил этишда туристлар ва экскурсантлар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш, туризмнинг янги салоҳиятли турлари — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик, болалар, ёшлар ва оилавий туризмининг жадал ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу маънода Сийпантош ёдгорлиги ҳам дунёдаги қадимий тақвимлардан бири сифатида юртимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга қизиққан олимлар, хорижлик сайёҳлар ташриф буюрадиган қадимжолардан бирига айланиши шубҳасиз. Бунинг учун, албатта, мутасаддилар мазкур манзилга бориладиган йўллари таъмирлаш, тарихий ёдгорлик атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширишлари, шунингдек, сайёҳларга хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этишлари зарур бўлади.

Шомурод ШАРОПОВ,
журналист

ЎЗБЕК — ЎЗ ОҒАМ

Қозоқ халқ мақол-маталари

Мехнатсиз умр — тутаган кўмир.	Эрнинг ҳусни — экин, йигитнинг ҳусни — билим.
Мехнат тоблантиради, умр ўргатади.	Эрнинг кўрки тол бўлар, элнинг кўрки мол бўлар.
Уйни қирқ эркак тўлдиролмайди, бир аёл тўлдирди.	Ер тепасиз бўлмайди, эл тўрасиз бўлмайди.
Ялқов аёлнинг тўшаги тушгача йиғилмас.	Эрнинг ҳам қулоғи бор.
Эрини сийлаган аёл элини ҳам сийлайди.	Қишда молингни боқ, ёзда ерингни чоп.
Уйда ўғил-қизи борнинг кўкда сўнмас юлдузи бор.	Мехмонингнинг олтинин олма, олқинин ол.
Молим — жонимнинг садақаси, жоним — оримнинг садақаси.	Кувё — юзийлик, қуда — мингйиллик.
Ёвда қолган булбулдан ватанга қайтган ит ортқ.	Қозоқ тилидан Махмуд САҒДИЙ ва Расул КУШЕРБОВЕВ таржимаси.
Ўроқчи ўроқ танламайди, ботир яроқ танламайди.	

БАҲРОДАН БАҲРАЛАР

Эркин Воҳидов ҳикматларидан

Фикрат — дарё, гафлат қўлмақдир, Дарё — ҳаёт, қўлмақ — ўлмақдир.	Менга аён бўлди бир ажиб ҳикмат, Бир хил бўлар экан феъл билан қисмат. (“Малоҳатга мактублар” фантасмагория пьесасидан)
Бахт аршига чиққанинг, Оёғидан ушлама Худо ерга тикқанинг, Калласига муштлама. (“Қиш ҳаловати”дан)	Ширин бўлсанг, ялаб адо қилурлар, Аччиқ бўлсанг, талаб адо қилурлар. (“Қуз саховати”дан)
Гул ёнида ўсган печакдир, Ўз кўнглида у ҳам чечакдир. (“Эрк саодати”дан)	Теранлиқни қидирмадим уммонлардан, Инсонлардан топдим уни, инсонлардан. (“Баҳор таровати”дан)
...Биз ёт билмасин деб, Айбимизни ёпа-ёпа кўп ютқазганимиз. (“Истанбул фожиаи”дан)	

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ

Шу кунларда Қозоғистоннинг Астана шаҳрида ўн тўртинчи “Евразия” халқаро кинофестивали бўлиб ўтмоқда. Халқаро кинопродюсерлар ассоциацияси рўйхатидан ўтган мазкур киноанжуман Қозоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилиб, унда юртимиз ижодкорлари ҳам қатнашишмоқда.

Ассосий танловда режиссёр Рашид Маликовнинг “Сабот” фильми ҳамда ёш киноижодкорлар Абдуазим Илҳомов ва Ботир Абдурахмоновнинг “Она” номли қисқа метражли картинаси намойиш этилади. “Караван” деб номланган махсус секцияда режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг “Назира” бадий фильми намойиши кўзда тутилган.

Фестиваль доирасида шу йил куз

Ўзбекистон ва жаҳон

ойида Тошкентда ўтказилиши режалаштирилаётган “Prologue” халқаро кинофестивали ташкилотчилари билан ҳамкорлик шартномасини имзолаш ҳамда анжуман кинобозорида махсус павильон ташкил этиш режалаштирилган.

Ўз ахборотимиз

2018 йил 3-сон

“Бугунги кун театри давр билан ҳамнафас ривожланиши учун янги ихлошларга эҳтиёж сезиб турган бир пайтда ижодий ишларни бошқаришдек масъулиятли вазифа театр директорлари зиммасига юкляб қўйилган. Театр тақдирини энг асосий жиҳатлар, Бадий кенгаш раислигидан тортиб, жамоа ичидаги интизом, репертуар танлаш ва бошқа ижодий ишлар ҳам улар томонидан ҳал этилмоқда. Ҳолбуки, директор ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда театрнинг иқтисодий аҳволи ҳақида қайғуриши, актёрларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши, гастролларни ташкиллаштириши, кадрлар масаласи каби масъулиятли юмушларни бажариши лозим. Афсуски, театрларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам бадий раҳбарсиз иш юритмоқда. Театр нуфузи бадий раҳбарнинг ижодий савияси, билими, ташкилотчилиги ва тадбиркорлигига чамбарчас боғлиқ бўлган бир пайтда бундай ҳолатларни яширишга не ҳолат?”

Юқоридаги мулоҳаза “Teatr” журналининг янги сонидан ўрин олган таниқли режиссёр Тожи Муҳаммаднинг “Хаста қандай табиб бўлади?” мақоласидан. Шунингдек, журналнинг ушбу сонида ўқувчилар Д.Раҳматуллаеванинг “Чингиз Айтматов асарлари ўзбек театрларида”, Ў.Расуловнинг “Овоз парвариши хусусида”, О.Азизованинг “Кулгининг янгиҳа жаранги”, А.Матёқубовнинг “Саҳна ва экран синтези” каби мақола ва тадқиқотлари билан танишиши мумкин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси, “Ижод” жамоат фонди уюшма ходими Рустам Дарабоевга отаси

Тўлқун отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Гўзалои МАТЁҚУБОВА



академик Рустам Сулаймонов томонидан ўрганилган. Улар халқимизнинг ижтимоий-фалсафий ҳамда маърифий қиёфасини белгилашда муҳим ўрин тутди. Қадимшunosлар камида беш минг йиллик тарихга эга деб айтаётган Сийпантошда аждодларимизнинг энг қадимги қадрият ва анъаналари, урф-одат ва маросимларидан далолат берувчи белгилар муҳрланиб қолган.

Мазкур табиат ёдгорлиги ҳақидаги ривоятлар ҳам буни тасдиқлайди. Осиблиб турган қоятошнинг ички шифт қисмига ўйиб ёзилган сирли белгиларни олимлар Зардуштийлик даврида яшаган аждодларимиз мероси сифатида талқин этишмоқда. Ёдгорлик деворидида қизил, малла, яшил рангларда чизилган айлана тасвири ҳаётнинг бардавомлигига ишора қилса, унинг марказидаги йирик нукта эса қуёш рамзини акс эттиради. Зардуштийликда қуёш оламни мунаввар этакдан, еру кўрни тафтидан баҳраманд қиладиган буюк тимсол ҳисобланган. Аста-секин у адолат, ҳасрат, озоқлик тимсолига ҳам айланган.

заларининг чўкканда қолган изларига ўхшаш чуқурчалар бор. Шу ерлик одамлар уни қадимда яшаган авлиё отанинг узоқ муддат ибодат қилиб турганидан ҳосил бўлган, дейишади. Баъзи зиёратчилар ҳозир ҳам бу жойга тиззаларини қўйиб, тоат-ибодат қилишни маъқул кўришади. Қадимшunosларнинг таъкидлашича, Сийпантош қадимда оташпараст қочинлар бошчилигида диний маросимлар ўтказиладиган жой бўлган. Қурғоқчилик йилларида одамлар улар ҳузурига ёмғир ёғдиришни илтижо қилиб келишган. Қочинлар эса девор юзасига буқа расмини чизиб, афсус ўқиб, башорат қилганлар, деган тахминий қарашлар мавжуд. Нима бўлганида ҳам тоғнинг ёдгорликка яқин жойларида муғ(остадонлар сақланадиган махсус жой)лар бор.

Зардуштийлик дини илк бор пайдо бўлган даврларда вафот этганлар жисмини ерга кўмиш ман этилган. Бунда улар ер муқаддас, барча жонзотларнинг боқувчиси, уни тоза сақлаш керак, деган ақидага риоя этишган. Шунинг учун ҳам мурда суякларни тўпланиб;

ички сезгиси, тажрибаси иш беради.

Одамлар тақдири учун масъулиқни бўйнига олган ҳар қандай судья буни теран хис этиши керак.

Узоқ вақт бош қотиришдан сўнг уларни ажратмасликка қарор қилдим... Орадан бир йил ўтиб, эр-хотин қўлида чақалоғи билан келиб,

Тил ўчидаги гаплар

менга “Раҳмат”, дейишди. Бу бизнинг иш тажрибамизда камдан-кам ҳолларда бўладиган воқеа. Билишимча,

суддан сўнг аёлнинг отаси уни икки фарзанди билан қувёниқига олиб бориб қўйган. Аёл бир ойча кундоши билан яшашга мажбур бўлган. Қийналган, руҳан азобланган. Бироқ фарзандлари отаси ёнида қанчалар бахтиёр эканлигини кўриб, хатосини англаган. Кўпни кўрган падари бузруквори тўғри йўл тутганини тушунган.

Хўш, пайтдан фойдаланиб, бу уйга келиб қолган кундош-чи? Унинг тақдири қандай кечди экан, деган савол келиб чиқши мумкин. Хайриятки, у эсли-хушли аёл экан. Бир оилани бузиш, отасининг олдида юзидан қулги аримай яйраб юрган болаларни етим қилиш эвазига ўз бахтини қура олмаслигига кўзи етиб, тақдирга тан берган...

Бу воқеани кимлардир бахтли тасодиф, деб ҳам уйлаши мумкин. Эҳтимол, шундайдир. Бироқ мен бошқача фикрдман. Ҳамкасбларимиз қозининг тарозини — ҳаммавақат ҳақиқатга хизмат қилиши зарурлигини унутмасликларини истардим.

Сўхбатдошим айна шу масалада сабоқ бўладиган яна бир воқеага эътиборимни тортиди. Бугун шу каби суд мажлислари айрим маҳаллалар-

ҚОЗИНИНГ ТАРОЗИСИ

МУТАХАССИС КУЗАТУВИ

эркакман, ҳалол яшашим керак-ку, шу сабабли уйландим”, дея жавоб қилди. Қайнота билан қайнона эса, “Келинимиз яхши, лекин ўғлимиз билан келишолмас, биз нима ҳам қила олардик”, деб гувоҳлик беришди. Аёлнинг отаси оилани ажратмасликни илтимос қилди: “Сиз судьясиз. Буларни ажратиш-ажратмаслик сизга боғлиқ. Невараларимнинг тақдирини ҳам сизнинг қўлингизда. Қарорингиз биз учун — қонун. Бироқ мен қизимни ажратиб олмайман. Агар ажратсангиз ҳам мен уни уйга киргизмайман”, деди.

Сўнгра шу отахон қизига қараб: “Эринг билан ажрашадиган бўлсанг, уйимга қадам босмайсан”, деди. Қудасига эса: “Болаларимиз бахтсиз бўлиб қоляпти, неваралар тирик етимга айланаяпти, сиз жим ўтираверасизми, қандай эркаксиз”, деб танбех берди.

Бироқ ажрашиш учун ариза берган аёл: “Кундошим билан бир уйда яшайманми, йўқ, ажратасиз”, деб тўплов қилди. Ана шундай пайтда судьянинг

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳа.иқор.лари.иш:

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Ўқтам МИРЗАЁР

Тахриратга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навтатчи муҳаррир — Мурод АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.35

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 6080. Буюртма Г — 682. Ҳажми — 3 босма тибак А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Таъкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

9 772183 614000